

МЕНГЛИБОЙ МУРОДОВ

*Юрагимда борин
айтдим...*

ШЕЪРЛАР
ДОСТОИЛАР
ҲИКОЯТЛАР
ҚАСИДА

84(59)6-5 өадиши өзбекшт—
Ш'язорлар

ББК. _____

Менглибай Муродов

Юрагимда борни айтдим

32056
10 3


$$M \frac{1201000000 - 021}{(04) - 2005} - 2005$$

Мұхаррірлар:
Икром Отамурод
Сирожиддин Раупов

Терішга берилди 5.07.05. Босиңға рұхсат этилди 4.07.05.
Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Босма т. 12.75. Буюртма № 347.
1000 нұсха. Офсет усулида чоп этилди.

©Узбекистон Республикаси Азия вазирлігі құзуриданы
«Адолат» нашриети 2005 йил.

УзР ФД «Фаір» дашриєттегінші босмахонасыда чоп этилди.
2005 жыл. Қонкейім жад. №. Абдуллаев күласи 79.



«ЙИЛЛАР ЎТИБ ИНТИЗОРЛИ...»

Самимият – қалбнинг нури. У қалб тарзларини, қалб йўсингларини, қалб майдонларини шуълалантиради. Тўйғуларга бегуборлик, покизалик, софлик руҳини эндиради. Менглибой Муродов битиклари самимиятдан сўзлайди. Самимиятдан сўзлайдиганлар эмас, самимиятга айланади. Самимият унинг қалбизда яшайди. Шу сабаб бўлса керак, шоир битикларида нур воситаси, аксар ҳолда, такрор-такрор қўлланиладики, у ҳар гал қалбнинг қайсиdir бир сирасига, қайсиdir бир ҳолатига эш бўлиб келади, қалбнинг ички бир ёруғ ниятига ҳамдам бўлиб келади ва “қалбин нурга тўлди сенга сиғини” тахлитида, сўзнинг табиий ҳароратига йўғрилади.

Менглибой Муродовнинг таржимаи ҳоли бой. Болалиги машаққатлар ичра ўтган. Оғирчиликлар орасидан ҳайратлар ахтарған, умидлар Қидирган. Бу кечмиш битикларида намоён. Таржимаи ҳол – нафақат юрилган йўл, нафақат кўрилган кун, нафақат дуч келинган муносабат, балки қалбнинг ушалган орзузи, Қалбнинг соғинчи, қалбнинг ларди, қалбнинг суккути, қалбнинг имкони, қалбнинг имконсизлиги...

Менглибой Муродовнинг битиклари – қалбнинг шундай таржимаи ҳоли.

Йиллар ўтиб интизорли.

Қанча лойли сувлар кечдим.

Бундай қараганда, ушбу сатрлар соддароқ бўлиб кўриниши мумкин, бироқ уларнинг замирига йиллар шаклидаги умр маъноси жойланган.

Менглибой Муродов ўзи тутилиб, ўсган жой ҳақида чуқур эҳтиром билан, чинакам фаҳр билан тўлиб-тўлиб ёзади. “Кони месҳ” деб таърифлайди Конимехни. Тўғилган жойини удуғлаш тасаввур кичиклиги эмас, аксинча, тасаввур катталигидир. Чунки:

Сүқмоқ бағрида йўл яшайди;
Лаҳза бағрида вақт яшайди;
Данак бағрида дарахт яшайди;
Томчи бағрида уммон яшайди;
Түғилган жой бағрида Ватан яшайди.
Менглибой Муродов буни теран ҳис қиласди ва ғуур ила айтади:
Иқболим ҳам, истиқболим шу Ватан,
Шу Ватанданда камол топдии, етилдим.

“Борлик – Ҳар бир саҳифаси чуқур маънога тўла китобдир”, деб ёзган экан улуғ немис шоири Гёте. Шу нуқтаи назардан қараганда, борлиқнинг инсонга таъсири, инсоннинг борлиққа таъсири азалий кузатув, азалий муносабат. Бунга эктивор келтирган Менглибой Муродов ҳаёт (борлиқ ўрнида) ва инсоннинг бир-бираига боғлиқлик жиҳатини, яқинлик нисбатини монади кузатувлари орқали ифодалашга интилади. Борлик ва инсон моҳиятини воситалар ишорасида англашга үнданб, шундай ёзади:

Ҳаёт – тўлқин урган бепоён денгиз,
Инсон – унда сузган оддий бир кема.

Менглибой Муродовнинг кузатувлари мўл. Битиклари ана шу кузатувларнинг ҳосиласи. Самимиятнинг ҳосиласи. Умр деган лаҳза, умр деган йўл ҳосиласи.

Икром ОТАМУРОД

*Нурли-нурли жилоланур
хүр фикр*

ЎЗБЕКИСТОН - МЕҲРЛИ ЙОРТ

Иқболим ҳам, истиқболим шу Ватан,
Шу Ватанда камол топдим, етилдим.
Шу маконнинг тупроқларин тұтис.
Үзин эса саждагоҳим деб билдим.

Сигинсам ҳам, сенга сигиндим, Ватан,
Оллоҳимнинг назарлари түшгап юрт.
Ўзига хос одил йўлни кашф этиб,
Мардонавор бахт юлдузим қучган юрт.

Сенда ўсган ҳар бир ўғил, ҳар бир қиз
Улут-улуг аждодига тортгайдир.
Навоийлар, Берунийлар, Синолар,
Йилдан-йилга юртимизда ортгайдир.

Буюк-буюк ихтириолар очиб кўз,
Янги-янги тилсимотлар очар сир.
Ёшлирамиз дилга жойлаб меҳрни,
Улут сабоқ олишмоқда муттасил!..

Эрк ту йиғуси фикрларни чархлагай,
Нурли-нурли жилоланур ҳу р фикр.
Юрт иқболи равнақ сари тутгач юз.
Ҳар жабҳада нурланмоқла тафаккур.

Лол қолдирап яна юртим дунёни.
Турфа-турфа кашфиётлар яратиб.
Меҳрли юрт кам бўлмагай ҳеч қачон,
Меҳр нурин қуёш каби таратиб.

Күз тегмасин сира юртим күркига,
Она халқым насибаси бўлмас кам.
Пойдевори маҳкам юртнинг, минг шукур
Парвоз учун қанотлари мустаҳкам.

Истиқтолин севиб, қу чиб, опичлаб,
Эъзоз этиб, баҳтин топлан она халқ.
Ўзбекистон улгай, ўс, деб дуода
Истиқболин кўзлаёттан доно халқ.

Сен чинакам онажонсан, она халқ,
Сенга таъзим айламоқлик бурч, шараф.
Яшагайман, ҳар тонг туриб, қўл очиб,
Оллоҳимдан Ватанимга баҳт сўраб.

ЧИН ДҮСТЛИК

Чин дүстлик ўз-ўзидан бўлмайди бино,
Эришасиз унга фақат ахтариб, топиб.
Чин дўстлик орасида бўлмайди гина.
Араз, гараз ва гиналар кетилар ёпиб.

Бу дўстликка ёмонликнинг зарраси ҳам ёт,
Бу дўстликнинг илдизлари бўлар мустаҳкам.
Айро кетмас қанча қийин бўлса ҳам ҳаёт,
Неки бўлса биргаликда кўрилар баҳам.

Бу дўстликка дуо кетган, дуолар кетган.
Бир-бирига озори йўқ, зигирдайин ҳам.
Бу дўстликнинг томирлари мақсадга етган,
Бўлиб яшар бир-бирига бир умр малҳам.

Бу дўстликнинг чироқлари нур сочар порлаб
Йеботланиб келинган у аввалдан-охир.
Чин дўстликнинг белгилари кўзларда эмас,
Юракларга томир отиб яшайди, ахир!..

Асл дўстлар шодликларга шодлик кўшади,
Калтасига узун ипни улайди келиб.
Дўст тўйида дўстидан ҳам кўпроқ жўшади,
Хизмат қилиб ҳоримайди югурниб, елиб.

Дўст бошига ғам юкинса, мусибатим деб,
Аlam чекиб шерик бўлар мусибатига.
Суянчиғу таянч бўлар у ёнига кеб,
Минг бир куяр у дўстининг бир кулфатига.

Дүст үйглеса у ҳүнграйди чинакамига,
Бағрин тирнаб ўртанади минг чандон күйіб,
Шерик бұлар у ҳамиша дүстнинг ғамига
Ва дүст ғамин ўз ғамим дер, қалбида түйіб.

Шундок бүлгач билинмайды ҳеч ками-күстлик,
Тоғдай ғам ҳам бундай пайтда бўлади енгил.
Бебаҳодир бу дүнёда, билсанг, чин дүстлик,
Бу дүстликдан фахр түяр ҳар қандай кўнгил.

Эй Менглибой, дўст тутисанг шундай дўст тутин,
Чинакам дўст билиб турар ҳароратингни.
Бундайин дўст дарларингга бағрини тутиб,
Тушмай туриб олдин олар жароҳатингни!..

КУТИШЛАР ҲАҚИДА

Шу бир сўзниң моҳиятин топғандайман,
Битмас иш йўқ, бари бир кун битар экан.
Билибми, билмайинми одамзоднинг
Ярим умри кутиш билан ўтар экан.

Мисол излаб узоқларга бориш шартмас,
Хотирдадир турганимиз ўйлар кутиб.
Асир бўлиб мұҳаббатнинг оташига,
Энтикишиб юрганимиз тўйлар кутиб.

Яна қанча кутишлар бор бу дунёда,
Қўп нарсага эрииғанмиз кутиб-кутиб.
Умримизнинг ўтганини ўйламасдан
Навбатларда туришганмиз кутиб-кутиб.

Айтинг-айтинг, кутишларда самар бўлсин,
Ярқирасин яхшилик-ла иснонамиз.
Пок ният-ла покдомон бўб, юрак ютиб,
Қутлуғ келмиш кутишларга ишонамиз.

Кутиб-кутиб баҳтин топған эр йигитлар,
Ҳамда барно-гулойимлар бунга мисол,
Улуғликда улуғлик кўп, аммо дўстлар,
Кутиб-кутиб яшашда ҳам бордир тимсол.

Мен баҳтимни топғаним рост кутиб-кутиб,
Кутиб-кутиб парвозларга шайланганман.
Ёшлигимда ижод баҳтин кутиб-кутиб,
Кексайғанда мен шоирга айланганман.

ЎКИНЧ

Охирин ўйламай, тұсатдан бир күн
Севгилім дилини оғритиб қўйдим.
Ҳамон хотирамдан кетмас ўша түн.
Нега ҳам оқ түшин ёмонга йўйдим?!

Шу заҳот уйига кетиб қолди у,
Заҳарга айланди асал ойи ҳам.
Хаёлни чулгади минг битта тўйғу,
Юрагимни тилди номсиз дард, алам.

Ёрнинг кўнглини олдим узрлар сўраб,
Севгилим-ку, шукур, бағримга қайтди.
Лек, умр торлари маҳзун ип ўраб.
Юракда оҳ сўзин чинқириб айтди.

Охимни эшилди қутганим ой ҳам,
Сўнг ойдин нурини дилимга сочди.
Қалбимни эзгилаб келәётган ғам,
Нурдан ҳадиксираб қайгадир қочди.

Кенгая бошлади қалбим осмони,
Парчаланиб кетди аламлар тоги.
Дилимни ёритди лаҳзалар они,
Яна нурга тўлди мұҳаббат бояни.

Ўзлигига қайтди вайронга кўнгил,
Дардга шифо бўлди ойнинг ранглари.
Ҳис этдим, оғирим бўлди кўп енгил,
Шукурки, йўқолди дилим занглари.

Яна қайта бошдан севинчга тўлди
Фироқнинг зарбидан дарз кетган кўнгил.
Бир кунглик айрилиқ минг кундай бўлди,
Истагим ҳеч бир дил бўлмасин мунгли.

ЁЗ КЕЧАСИ

Тин олади борлық тамом,
Хатто шамол эсмас гир-гир.
Оромингни қилиб ҳаром,
Чор томонда пашша изғир.

Иш бермайди гоҳ чодир ҳам,
"Виз-виз" идан чатнар асаб.
Чорасизлик қийнаб шу дам,
Вүжудингни қоттар газаб.

Үзи митти ҳашарот, лек,
Қайдан олган құрғур нишин?!

Қанча ҳушер турсаңг ҳамки,
У битказиб олар "иш"ин.

ИШТИЁҚ

Дүстлар, бориб қолди ёшим бир жойга,
Салгина оғирдир энди от пойга,
Лекин хүштормасман чойхона, чойга,
Күлимда ўйнайды кетмөн ҳали ҳам.

Ҳали ҳам қадимни шердек тутаман,
Үзимни тағин ҳам қаттиқ кутаман,
Зерикиш нелигин билмайман ҳамон,
Күлимда ўйнайды кетмөн ҳали ҳам.

Ҳали ҳам бардамман, гоҳо чопаман,
Мұаммо туғылса имкон топаман,
Мұхими, зерикиш билмайман ҳамон,
Күлимда ўйнайды кетмөн ҳали ҳам.

Ҳали ҳеч ҳорғинлик сезганимча йүқ,
Меҳнатдан қўлимни узганимча йўқ,
Дам олиш режасин тузганимча йўқ,
Кўлимда ўйнайды кетмөн ҳали ҳам.

Ҳали орзуларим чақнар дилимда,
Ҳали күч-қувватим бордир белимда,
Шундоқ яшамогим келар элимда,
Эл-юрга керакман, демак ҳали ҳам.

Пайт келиб ҳорисам, билмам, нетаман,
Дея баъзан-баъзан ўйлаб кетаман?!
Эл-юрга кераксиз сезсам ўзимни,
Шу куни, шу заҳот,
шу дамдан бошлаб,
Ўзимни Оллоҳга тортиқ этаман!..

АЙРИЛИҚАЗОБЛАРИ

Булбул бўлиб илоҳий бир куч,
Чарх уради қалбимни кезиб.
Поклик руҳин тонгларга улаб,
Кўшиқ кўйлар юрагим эзиб.

Юрагимни эзар бир алам,
Бир алам-ки, тундан-да, қора.
Дилни эзар рангининг ўзи,
Бу аламдан дилгинам қора.

Эритолмас қалбимни ой ҳам,
Чидапи оғир бу қора тунга.
Ёритмоқ бўб кўраман, бироқ,
Дуч келаман аччиқ ту тунга.

Мұҳаббатнинг сиртмогими бу,
Осса оссин дорлари бўлса?!
Бунча жабр қиласди балки,
Аламларнинг орлари бўлса?!

Юрагимни ҳовучлаб тутиб,
Яқунида топғаним шуми?!
Шуми менга ундан теккани,
Наҳот шулар севги тушуми?!

Мұҳаббатнинг изтироблари,
Юрагимда бўридай увлар...
Асл севги, тоза мұҳаббат
Алам отлиқ ғамларни қувлар...

Булбул бўлиб илоҳий бир куч,
Чарх уради қалбимни кезиб.
Поклик руҳин тонгларга улаб,
Бир куй чалар юрагим эзиб.

ИЛИНЖ

Зүр шеър илинжида
Шомдан тонг қадар
Қоғоз қоралайман,
Хаёл - дарбадар.

Ёзиб-үчираман
Такрор ва такрор,
Гоҳо шавққа тұлиб,
Гоҳ бўлиб абгор.

Гоҳида түйғулар
Жўшгандай бўлар,
Шеъримга бир ҳовур
Кўшгандай бўлар.

Энтикиб-энтикиб
Чоғлайман ўзни,
Шоядки тополсам
Керакли сўзни.

Ижод тўлғогида
Қаламим қайраб,
Бир мисра езолсам
Кетаман яйраб.

Агар ёзолмасам,
Қон бўларман, қон,
Юрагим кўйдирап
Чақнаган вулқон.

Зўр шеър илинжида
Шомдан тонг қадар
Қоғоз қоралайман,
Хаёл - дарбадар.

KҮПИКЛАР

Тұда-тұда бўлиб айланыб сузар,
Қалқиб-қалқиб кетар тұлқинлар узра.
Шамолнинг құдрати тұдани бұзар,
Сүңг суза бошлайди бир-бирдан айро.

Асар ҳам қолмайин савлатларидан,
Тұдалар ҳар ёқдан хасга ёпишар.
Ажрашиб түфөнли "давлат" ларидан,
Билмадим күпиклар нени топишар?!

Тұлқинлар юзида ҳар ён учышар,
Қалқа-қалқа бўлиб чопишар ҳар ён.
Дуч келган хас, чўпни маҳзун қушишар.
Зум ўтмай ҳоллари бўлади аён...

Тұлқин бўлайин деб кўрди-ку, бироқ,
Истаги ушалмай довдирағ қолди.
Кўнглида бўзлади, минг битта сўроқ,
Сўнг сувсиз қирғоқда жовдирағ қолди.

БУЛБУЛЖОН

Кел, булбулжон, боғларимда
Дилинг очиб яйрагин,
Кўшиқларинг шайдосиман
Сен берилиб сайрагин.

Кўпдан бери тинглай олмай
Кўнглим хира доғдамен,
Сен-чун қанча гуллар эқдим
Бу чаманзор боғдамен.


Жилваланар хаёлимда.
Ўша дилкаш қўйларинг,
Кўшиқларга айланган ул
Сеҳрга бой ўйларинг.

Сенсиз бу боғ кўркам эмас,
Қанча гўзал бўлса ҳам.
Чиройига кўнгил тўлмас,
Гуллар билан тўлса ҳам.

Сенсиз боғда тароват йўқ,
Сенсиз боғда ҳусн йўқ.
Сен десаму, сен бўлмасанг,
Кўнгил қандай бўлсин тўқ?!?

Кел, булбулжон, сайроққинам.
Кўзларимни ёшлама.
Тушса кўзинг, кўзга тушсин,
Маъюс нигоҳ ташлама.

Сен келмасанг чаманзорим
Наволарга тўлмайди.
Бир боғ бўлар, аммо, лекин.
Бағри бутун бўлмайди.



ҚУВОНЧ ВА АРМОН

Ота меҳрин кўролмадим,
Насиб этмади менга бу баҳт.
Кўксим кериб юролмадим,
Болалигим ўтди караҳт.

Қолиб кетди отагинам
"Қорахат"нинг қатларида.
Ғам, алам-ла тўлди танам
Юрагимнинг дардларидан.

Ўқсик дилли бола бўлдим,
Зўрга турдим оёғимга.
Бор бўйимча нола бўлдим,
Бўялиб ўз бўёғимга.

Йилтар ўтиб интизорли,
Қанча лойли сувлар кечдим.
Кўп муаммо бўлди зорли,
Ярми қолди, ярмин ёчдим.

Кун демадим, тұн демадим,
Тўрт томонга илҳақ чопдим.
Гоҳ кунлари нон емадим,
Минг шукурки, баҳтим толдим.

...Ота бўлдим. Бунга шукур,
Ўсајпти фарзандларим.
Қалбим тўла фахр, шуур,
Омон бўлсин фарзандларим.

Қувончимни чеки йўқдир,
Улар қадрим билишмоқда.
Болалардан кўнглим тўқдир,
Мени хурсанд қилишмоқда.

Орзуларим, армонларим
Ушалмоқда улар билан,
Улар күчим-дармонларим,
Мен бахтлыман шулар билан.

Неваралар түйларига
Режа түзіб кетмоқдаман.
Барча орзу-ўйларимга
Фарзандлар-ла етмоқдаман.

Милән қадар шукронам бор
Бу күнларга, бу бахтларга!
Эй Аллоҳим, ўзингсан ёр
Бу күнларга, бу бахтларга!..

Бироқ, қалбим қатларыда
Айтгүлік бир армөн яшар,
Күзларимнинг қадларыда
Беҳаловат вулқон жүшар...

Фарзандларим қылған ишни,
Мен отамга қиболмадим.
Қаен үрай энді бошни,
Биболмадим, билолмадим?!

Уруш құрсын дейман, бироқ,
Тұғриси, ох!.. Алам қилар
Дилдан чиқиб минг хил сүроқ,
Юрагимни минг бор тилар...

Неваралар сүраб қалам,
Құлларимни силкілайди...
Үшадмаган армөн-алам,
Юрагимни тилкалайди.

СЕНИ СОГИНИБ...

Сени олов дәя, айтардым, севгим,
Қалбим нұрга тұлды сенға сиғиниб.
Інтизор қалбимга үмілтар экиб.
Умрим ўтаяпты сени согиниб!

Дилімни ёритар согинч ҳисларинг,
Юрмоқлик орзұйим мәхрингга қониб.
Мастона күзларинг сөхрини құмсаң,
Умрим ўтаяпты сени согиниб!

Бұнчалар бекіес күчинг, құдратинг,
Боқсам кетаверар күзларим тиниб.
Сендан йироқ кетсам тағын шунчалар,
Умрим ўтаяпты сени согиниб!

Кел, жоним, мени ҳам ёндириб яша,
Кім ҳам баҳтін топған орзуси сиңиб?!
Ёниб аді бўлсан бўлайин, жоним -
Сенға эришсам, бас, сени согиниб!..

СЕВГИЛИМГА...
Фарзандларымнинг севимли онаси
ТҮЙБИБИ БОЗОРОВА га

Кўзларингнинг ёғдусида шеърлар битиб,
Сочтарингни орасида қолиб кетдим.
Киприкларинг соясида орзум титиб,
Қайрилма у қошларингга зўрга етдим.

Қошу киприк, соchlарингда не сеҳр бор.
Қулоғимга айтақол, ёр, астагина?!
Сендан шифо топаман деб юрибман зор,
Хастагина юрагим бор, хастагина.

Хазон қилма ғунчалаган умидимни,
Умидимнинг чироқларин ўзинг ёққил.
Сўлмоқ осон, ўлмоқ осон, ўлдирма, ёр.
Мен хастага бир бор боққин, бир бор боққин!

Мисли тўрга тушган қўшдай ҳолатдаман,
Кўзларимдан уқиб олгин дил изҳорим.
Сўз-ла баён айламоққа ўрин йўқдир,
Нигоҳларим аён айтар оҳу зорим.

АСЛ ҚАДР МЕХР ИЛА МУРУВВАТДА!

Мехр нури порлаб түрсин кўзимизда,
Хеч сўнмасин унинг акси юзимизда.
Шу нур бўлсин ҳар бир ўғил-қизимизда.
Асл қадр меҳр ила мурувватда!

Меҳрлиниңг меҳр нури мисли қуёш.
У астойдил назар солса эрийди тош,
Чақнаб түрсин ҳар бир дилда шундай оташ,
Асл қадр меҳр ила мурувватда!

Меҳр нури қалб тубида қудратли куч,
Неки ёмон барчасини айлагай пуч,
У бор жойда нохушликка келмайсиз дуч,
Асл қадр меҳр ила мурувватда!

Мурувватнинг юки бордир елкамизда,
Шу бордирки, саховат бор ўлкамизда,
Шу бордирки, саодат бор ўлкамизда,
Асл қадр меҳр ила мурувватда!

Олам-олам олийҳиммат аҳдимиз бор,
Савоббардор элимиз бор, баҳтимиз бор,
Дунёни лол этгудайин шаҳдимиз бор,
Асл қадр меҳр ила мурувватда!

БҮЮК СЕВГИ

"Түпрөгини ўпіб-ўпіб,
Күзга сұртай гардини!.."
Юртға ишқи тұшған шоир
Шундай айтса дардина.

Сиз ишонинг сўзлариға,
Шоир ёлғон сўзламас.
У юртига ва элига
Ёмонликни кўзламас.

Бир шоирдай сиз ҳам севинг
Юрт түпротин шунчалар.
Севги деган кетмас боскор,
Бир кун бешпак күнчалар.

Элин севган, юртин севган
Чўлу қирни боғ қиласар.
Эл дардига малҳам бўлар
Ва дилларин чоғ қиласар.

Кароматли бу севгининг
Илдизлари йироқда,
Шундай севги бўлган, албат,
Тўмарисда, Широқда.

Шундай севган Мангуберди
Ўз элини, юртини.
Хатто жонин аямаган
Оқлаб она сутини.

Шундай севги, шундай мардлик
Бизга ота меросдир.
Буюклик ҳам, жасурлик ҳам
Аждолларимизга хосдир.

Шундай рух-ла, шу түйру-ла
Кашф этилган истиқбол.
Бахтномамиз қўлимизда
Бизникидир истиқбол.

ЧАВАНДОЗЛИК...

Хазыр

Чавандозлик ишқи түшиб
 Бир чиройли от алдим,
 Яхши ният ила уни
 Катта улоққа солдим.

Отим қичаб эндигина
 Етганимда улоққа.
 Даңды рустдан елкам үзра
 Қамчи тегди қулоққа.

Шу ондаёқ чап қулогим
 Фувиллаб битиб қолди.
 Қанча отлиқ атрофимни
 Бир зұмда ўраб алди.

Аста ўзни құлға олиб,
 Тұдадан чиқдим зўрга.
 Сүнг отимни честга бурдим,
 Түшиб қолмай деб "түр"га.

Чавандозлик мүшкүл экан,
 Оғриқ түшди тиззамға,
 Тишини тишига босиб турдим
 Қолмайин деб иззага...

Улоқ олиш йүлін излаб
 Топмасам бўлмас энди,
 "Түр"дан қолиб чиқмагунча
 Кўнгил ҳам тўлмас энди.

Шұни ўйлаб изга қайтдим,
Олмоқ бўлиб улоқни.
Босиб олиб телпак билан
Қамчи тилган қулоқни.

Улоқ олиш йўлини ҳам
Ўйлаб кўрдим-да, топдим,
Ҳамма ҳориб турганда мен
Улоқни олиб чопдим.

Шу тариқа менда қолди
Ўша улоқ дегани.
Уни олиб кетаяпман
Бир пишириб егани...

ТИЛАК
Юсуфжон Рустамовга

Юксак-юксак тоғларнинг бошларида қор бўлади,
Саодатли санъаткорнинг қўлларида тор бўлади,
Уммон қалбли инсонларнинг дилларида ор бўлади.
Фароғатли юрт фарзанди кексайгандага нор бўлади.
Жазм этса асл эрлар Фарҳод каби топар кучин,
Осмон каби бағри қенгидир садоқатли дўстлар үчун,
Номигамас, сидқидилдан адо этар барча бурчин,
Қудратини кўриб дейсиз: "Бундай зотлар мисли лочин!"
Улар қалби ва сўзлари жўшиб оқар сойдек ҳали,
Дўстлар кўриб қувонади, гижинглаган тойдек ҳали,
Алпқоматли биродарим нурли юзи ойдек ҳали.
Елка қоқиб айтар сўзи дилга ёқар майдек ҳали...
Таҳсинларга сазовордир чуқур, маҳкам илдизлари,
Мурод топиб бораётир бағридаги юлдузлари,
Илм богин яшнатади илмталаб ул-қизлари.
Шуқр айлар бул неъматга ҳар дам, кечакундузлари.
Баҳт дарёси жўшиб оқсин, тўлқинларга тўлиқ бўлсин,
Етмиш беш ёш баҳорингиз ушибу наҳор қутлут бўлсин,
Шаҳдам қадам фарзандтарнинг насибаси бўлиқ бўлсин,
Ёркин бўлсин юрар йўли, умр йўли ёруғ бўлсин,
Шонг' шавкат офтоб янглиғ бу йўлларга чароғ бўлсин!

РИЗОЛИГИН ЮРАГИМДАН СҮРАДИНГМИ?

Санамжоним, юрганинг нс қовоқ чийб.
Мен шүрликни күзларингга қамаб қўйиб.
Дардлашсин деб ўладингми, кўзлар тўйиб.
Йўл, шу йўл деб, сен қалбимни ўрадингми,
Ризолигин юрагимдан сўрадингми?

Билсам, кўзлар юрагингга туташ экан,
Ишқ йўлида ёнаётган оташ экан,
Бир-бирига қондош экан, сирдош экан,
Йўл, шу йўл деб, сен қалбимни ўрадингми,
Ризолигин юрагимдан сўрадингми?

Бу ишингни мен ҳам қўлсам, не дер эдинг,
Балки, аввал юрагингни бер, дер эдинг,
Ёки, йигит бор тошингни тер, дер эдинг,
Йўл, шу йўл деб, сен қалбимни ўрадингми,
Ризолигин юрагимдан сўрадингми?

Тан бераман жоним сенга, барибир ҳам,
Барибир ҳам ишонаман сенга мубҳам,
Бўлган эмас севгимизга зарра шубҳам,
Жоним, мени кўзларингга ўраганинг,
Юрагимдан ризолигин сўраганинг!..

ХОНАТЛАС

Элимиизда бор шундай бир гүзал либос,
Сал эҳтиёт бўлмасангиз қамашар кўз.
Таърифлай деб яктолигин ӯзига хос
Лутат титиб тополмадим монанд бир сўз.

Дабдурустдан кўзи тушган не-нс қизлар,
Чиройига сўз тополмай қоларлар лол.
Шунчалар ҳам гўзалларки билсангизлар,
Ошифтамиш унга ҳатто кўкда ҳилол.

Самодаги юлдузлар ҳам тушларида
Кўрар эмиш, бу либосни қайта-қайта.
Тўлин ой ҳам ўсма кўйиб қошларига
Юрар эмиш, шу ҳақда сўз айта-айта.

У дунёга мато бўлиб келган кундан
Ипак йўлин рамзи бўлиб қолган эмиш.
Барча ранг-у, жилолар ҳам эмиш ундан
Шу боисдан у оламни олган эмиш.

Чўядай ёнган бу матога яратмишда,
Жуда топиб ном кўйишган Хонатлас деб.
Ҳар катини мингта гулдан ранг олмишда,
Лол қолурсиз ӯзингиз ҳам кўрсангиз кеб.

Матоларнинг санами шу, султони ҳам,
Камалакранг - оҳанграбо хонатласим.
Жон аёллар уни кийинг кўрмайсиз ғам,
Сиз учунидир хон атласим – жонатласим!

Дарё, денгиз тўлқинлари мавжи кўчиб,
Ҳайратомуз ҳусн қўшган жилосига.
Юз йилда ҳам ранги-рўйи кетмас ўчиб
Панд берарлар матоларнинг тиллосига!..

Энг муҳими, экологик тоза ва соф,
Хонатласим - шифобахш, танга роҳат.
Гўзатликда танҳолиги ҳеч эмас лоғ,
Ҳақни сўзлаб бераяпман сизга фақат.

Миллат шаъни ва миллийлик асл ғоям.
Тан берарсиз ўзингиз ҳам кийиб кўриб.
Шунақаям очиласиз, шунақаям -
Ортингизга ташласангиз сочни ўриб!..

Шу қадар ҳам кетасизки, чирой очиб,
Ип эшолмас олдингизда парилар ҳам!
Афсонавий бу либосга ажаб эмас -
Назарлари тушган бўлса Қодир эгам!..

АЁЛНИ ДЕ, ҮНИ ҚАТТИҚ СЕВ!

Аёлни де,

үни қаттиқ сев
ва бағиша бор имконингни!
Шундагина, үнинг севгиси
ошиб түшар сеникидан ҳам!

Аёлни де,

эркак бўлсанг сен
ва сева бил, ширин жон қадар!
Шундагина, баҳтинг беадад
ва кўрмассан дунёда алам!

Аёлни де,

ардоқлагин ҳам эъзозлаб кут,
бир йил эмас, бир умр шундай!
Шунда дард не, билмассан, чунки -
аёл қалби энг нодир малҳам!

Аёлни де,

аёлсиз дунё,
дунё эмас, чексиз зимистон!
Чунки, фақат аёллар билан -
дунё - гўзал, дунё -мукаррам!..

ҮХШАШЛИК

Мен ўзимни ўзим билмай ўтаяпман,
Лекин орзу йўлларида кетаяпман.

Кетаяпман, кетаяпман аста-аста,
Зориқиш йўқ, бирозгина дилим хаста.

Болалигим ва ёшлигим ўтди, кетди,
Қариллик ҳам мана энди қувиб етди...

Шу ҳолатга тушибди-ёв, тулпорим ҳам,
Қулогини чимирмайди згарласам.

Қамчи ушлаб “чұх” демасам, юрай демас,
Ётиб олса, ҳафталаб ҳам турай демас.

Тулпор дедим, тулпорлиги қолмаса-да,
Хуш күраман сўзларимни олмаса-да.

Қайсармас-қу, бирозгина толғандайроқ,
Чопишдан ва йўргалашдан қолғандайроқ.

Барибири ҳам уни жуда хуш кўраман,
Бир ҳафтада бир минмасам туш кўраман.

Арзигайдир тулпоримни десам орим,
Қашламасам кишинаб чорлар жониворим.

Қадрдондир етти-саккиз ойлигидан,
Минди бўлган ўзи ҳамки тойлигидан.

У пайтларда, у юлдузни кўзлар эди.
Пойгаларда не-но тойни тузлар эди.

У улғайди дала, даштда, булоқларда.
Донг таратди чопавериб улоқларда.

Хозиргидай қолмас эди у ҳарсиллаб,
Сафарларда йўл юрса ҳам ойлаб, йиалаб.

Чоған сайин, у тобора яшнар эди,
Бирам хушхулқ, бирам ширин кишнар эди.

Гап йўқ эди, чопқирлиги, зўрлигига,
Тўдаларда кескирлиги, ўрлигига.

Энди эса, энди эса... ҳоли забун,
Мени кўрса мўлтирайди чиқармай ун.

Иккимизнинг ҳолимиз бир қараб турсам.
Аввалгидай кишинамайди эгар урсам.

Сал совуқда баданлари қалтирайди,
Чопмай туриб яғринлари ялтирайди...

Тулпоримга куч бераман қашлаб-қашлаб,
Туртқилайман елкасига юган ташлаб.

У руҳимга руҳ қўшгандай "кишнаб" турар,
Кўзларимга кўзин қадаб пишнаб турар.

Мен дунёни ярим-срти кезгандайман,
Дилгинамнинг хасталигин сезгандайман.

Мен ўзимни ўзим билмай ўтолмасман,
Тулпоримсиз мен ҳеч ёққа кетолмасман.

Дадилланар у фикримни уққан каби
Ва силқинар яна қўчин йиққан каби.

Ҳаракатда баракат деб иккимиз ҳам,
Кетаяпмиз белларимиз боғлиқ маҳкам.

**“МЕҲР”
китобидан**

ДҮНЁ ВА ИНСОН

Мүйжизалар билан тұла бу дунс.
Хаәлни чулғайди ікүн ўтган сайин.
Сарғайған ҳар япроқ беради сабоқ,
Неки бор, ҳеч нарса әмас бетайин.

Ногоҳ әстган шамол, қарс этган садо
Баъзан чўчитади оддий ҳазил ҳам.
Дунё тўлиқ әмас орзулар қадар,
Баҳосин беролмас ҳеч қандай ҳакам.

Беиз, бенишона кечмоқда умр,
Уҳ тортиш ортиқча ўтганларига...
Ҳамма балиқчидек қувонса қани,
Завқланиб боққанча тутганларига.

Ҳаёт - тўлқин урган бепоён денгиз.
Инсон - унда сузган оддий бир кесма...
Вале, инсон қалби уммондир билсанг,
Уммоннинг олдида жўн ҳаёт нима?...

Табиат гултожи, ахир, шу инсон,
Истаса пойига тиз чўқар олам.
Инсоний бу шаънни зеввлар фақат
Ёвузлик, қабоҳат, ғам-андұх, атам.

Умр ўтмоқда-ю, орзулар бисёр,
Қай бири ушалар - ёнар жону тан.
Тўрт томон чопаман, улгурмоқ истаб,
Фақат чала қолмаса деб қўрқаман...

Унр ийлдошии Түйбебига

Шунча гўзал қизлар ичинда
Фақатгина сени танладим,
Мұхаббатнинг дардти сеҳрини
Ошиқ бўлган онда англадим.

Дунёда йўқ бугун мен каби
Бахтиёрлар ичра бахтиёр.
Ер юзида ёрин топмаган
Қанчаларнинг шундай аҳди бор.

Қайда юрсам қаддим ғоз тутиб,
Мұхаббатим қўллайди мени.
Қалбим ишғол этганинг үчун
Ардоқтайман, азизам, сени.

Шодлигимнинг боиси ўзинг,
Қувончларим сиғмас оламга.
Бахтимизни қўлласин тангirim,
Ҳеч қолмайлик ғамга, аламга.

Эй гўзалим, дилбарим, жоним.
Йигит сўзим: сени танладим.
Сен туфайли оламда шундай
Севги борлигини англадим.

ХАЁЛ

Қароғымда мавжланар денгиз,
Киприкларим эшкак эшади.
Әниң қалб-ла кемада бир қиз
Түлғинларга құпши ёзади.

Үзгача соз, үзга оқанғда,
Жаранглайды дилбар садолар.
Бұндай қүшиқ йүқтір жақонда,
Эркаланар майин саболар.

Қароғымда мавжланар денгиз,
Киприкларим эшкак эшади...
Эсиз, шундай ажиб хаёлни
Гүмбүрлаган чақмоқ бузади.

* * *

Мұхаббатнинг меҳр тўла,
Сирли-сирли сўроғи кўп.
Ёш дилларни сеҳрловчи
Армонлари, ардоғи кўп.

Ҳушёр бўлинг, ул мұхаббат
Пойдеворин буза қолманг,
Бу оламда ишқ-вафонинг
Ипи нозик, узиб олманг.

Азал-абад мұхаббатнинг
Қош-қовоги, қароғи кўп.
Ҳазиллашманг севги билан
Шикаст берар яроғи кўп.

Мұхаббатнинг умр бўйи
Бисёр экан савоби-ей.
Сипқормоққа шошилмангиз,
Ўткир экан шароби-ей.

Ҳаёт улут ўстоз доим,
Оқил, доно жавоби кўп.
Ориятни үнугланга
Жизғанакли кабоби кўп.

Асрларга татир, билсанг,
Мұхаббатнинг ҳар чақмоғи.
Пурҳикматлар эмас бесир,
Адаштарирап тор сўқмоғи.

Ҳушёр бўлинг, ул мұхаббат
Пойдеворин буза кўрманг.
Бу оламда ишқ-вафонинг
Ипи нозик, узиб олманг.

УМР ФАСЛЛАРИ

Кече баҳор эди: гуллар очилган,
Үнинг чорловига құшиқдар битдик.
Дилбар наволардан бағирлар тұлиб,
Не-не кечувлардан толиқмай ўтдик.

Ез келгач, янада очилиб, яйраб,
Яратиб ис-не бօғ, сұхбатлар қурдик.
Юғурик орзулар қанотин тұтиб,
Дүнәнинг иши деб, елдик, юғурдик.

Ташвишли дүнәнинг залворларидан
Күзнинг келганин ҳам қолдик сезмайин.
Пишиқчилік экан күзлар құвониб,
Сархит меваларга боқдик шүх майин.

Бироз ҳориқишининг дардларин сезиб,
Қүёшга қарадик, күзлар қамашди.
Шұнда билиб қолдик ҳорганимизни,
Фасллар уялиб, ўрнин талашди.

Бу ҳолдан күп маъно чиқарди күплар,
Күплари қизишиб баҳорга қайтди.
Яна фасли баҳор, энтикиш билан,
Уларга ғаройиб әртаклар айтди.

Ҳаёт ўзи шундай сирли, ғаройиб,
Умр фасллариғоятда қинғир?..
Баҳорда қор ёғар, күзда гул очар,
Қиша савалайды баҳорий әмғир...

ОТА ТИЛАГИ

*Тұнның үгелмі Ойбекжон ва келинім Маликахонларнинг
никохтұғыры мұносабаты билан ёзилған шеър*

Отаман... Қувончдан бошим осмонда,
Истиқболи порлоқ Үзбекистонда.
Бұгун Ойбекжон ва Маликахондек
Бахтиёр инсон йўқ бутын жаҳонда...

Қувончимга шерик бўлинг, дўстларим,
Болажонларимга баҳт тиляш чоғи.
Истагим: иккиси соғ-омон бўлиб
Ўчмасин ҳеч қачон ёққан чироғи.

Чин сўзим, болажон, топган давлатим -
Фарзандлар кўзимнинг оқу қораси.
Тошкентдан Конимех асло узоқмас,
Шунчаки, кўз билан қошнинг ораси.

Орзуим, дүнёнинг барча шодлиги,
Икки ёш умрига мудом ёр бўлсин...
Оlam севинчлари деңгиз бўлсин-у,
Ошиқлар қалбига қўйилиб турсин!

ИЛТИЖО

Эй, дилозор боғбон - қоровул,
Хасисланмай күнглингни көңг тут.
Бундан ўтган ҳар битта ўғил,
Қиз биландир барака ва құт.

Күй, құвлама уларни боғдан,
Боғнинг ҳұсни-жамоли шулар.
Галирмайман майли йироқдан,
Эртамизнинг камоли шулар.

Тотиб күрсін барча мевадан,
Күнгіл торттан туридан түйсин.
Яйраб ўссин, болалар шодон,
Қалбда улүғ орзулар түйсин.

Ташлаб юбор тошни қўлингдан,
Бир кунингга болалар ярап.
Ҳеч бўлмаса, сўнгги йўлингда,
Чўбинингни шулар кўтарар.

* * *

Ёмонлик күп, шулар ичра
Нопок йүлни тутган ёмон.
Яхшиларнинг тадбиридан
Ёмонликни күтган ёмон.

Бу дүнёдан ҳамма ўтар,
Бироқ изсиз ўтган ёмон.
Орланмасдан ҳеч кимсадан
Текин луқма ютган ёмон.

Умр бўйи меҳнат қилмай,
Ишламасдан ётган ёмон.
Ота-она улуғ зотдир,
Уларга тош отган ёмон.

Ғаниматдир ҳар бир лаҳза.
Вақтни йўқотган ёмон.
Ҳаммасидан униб-ўслан
Она юртни сотган ёмон.

КИЗИЛКУМ БАХОРИ

Боққан сайин күзларим түймас,
Яшил дала, мовий ранг осмон.
Шу гүзәллик таърифин бермоқ
Шоирларга эмас-ов осон.

Анов қирнинг күнгай бетида
Учиб юрар баҳор навоси.
Мунча тотли хуштаъм бўлмаса,
Жон дўстларим, чўлнинг ҳавоси.

Турфа чечак хушбўй ислари
Кўнгилларга бағишлар ҳузур.
О, бетакрор она табиат,
Айтотмасам таърифинг, узр.

Чуғурлашар қалдирғочлар ҳам
Яшаш завқи наътидаидан.
Жой олгуси буларнинг бари
Шоирларнинг қасидасидан.

Мажнү нтоллар каби бунда шўх
Чайқалади саксувуллар ҳам.
Бўй чўзади лаҳзалар сайин
Орзу билан митти гуллар ҳам.

Баҳор гўё сулув келинчак,
Кўз қамашар латофатидан.
Шод дилларда баҳорий севинч
Гўзап фасл тароватидан.

Күм-күк дала төбранар майин,
Чүпон ўзин енгил, ~~ш~~уш сезар.
Гул, лолалар тақинчоқ ясаб,
Қызилқұмнинг күксини безар.

Хатто қаранг, құмұрсқалар ҳам
Инларидан чиқишаρ құвнааб.
Ой юлдузлар баҳор сеҳридан
Қызилқұмда қолишар тұнаб.

Эй сеҳргар, бекіең баҳор,
Жүштири майли түйғуларимни.
Күзларымдан сицириб ташла
Түр ташлаган уйқуларимни.

Яратмоқлик ишқида ёниб,
Яшай үмрим тутагунча то.
Ватан меҳрин, элиз шонини,
Мұхаббатин дилга этиб жо.

MEXP

Яралғандан бери одамзод,
Курашлардан чиқмади боси.
Чеклашлардан бўлмади озод,
Лек толмади унинг бардоши.

Қанча ёвлар қилич қайради,
Яхшиларни йўқотмоқ учун.
Яхшилар-чи ишлаб тинмади,
Ўз авлодин кўпайтмоқ учун.

Шундай ўтди қанча замонлар,
Яхшиликлар пайини қирқиб.
Евзлик ҳукмрон бўлган онлар,
Одиллар ҳеч турмади қўрқиб.

Курашларнинг сўнгти бўлмади,
Курашмоқда улар бугун ҳам.
Ёмонликлар ўлиб, ўлмади,
Эртаклардан тутмоқда маҳкам.

Аста олиб кетмоқда улар
Мехримизни, шавкатимизни.
Шум ният-ла пинҳона қўлар,
Писанд қилмай нафратимизни.

Эй, одамлар, яхшилар, келинг,
Йўқолмасин меҳримиз мудом.
Ҳар лаҳза эй, дўстларим, билинг,
Меҳрга зор қанчалар одам.

Зор қалбларнинг нидоларини
Куйлаб адо қилиб бўлмайди.
Инсон борки меҳрдан уни
Ҳеч ҳам жудо қилиб бўлмайди.

Нон каби меҳр ҳам ардоқти бўлсин,
Яшасин дунёда инсоний меҳр.
Меҳр билан ҳар кемтик тўлсин,
Кўнгилларга бергай у сеҳр.

Меҳрга садоқат, оқибат бўлсин.
Меҳр-ла бу дунё гулларга тўлсин.
Ҳар меҳрибон инсон шу юртнинг
"Олтин китоби"га ёзилиб қолсин.

ОНАМГА

*Азиз ва меңғибон онажоним Затынаб Сафар қызы
хотирасига таъзим шла баянилайман*

Осмон гүё узилиб түшди,
Борлық келиб ерга ёпишди.
Эс-хаёлім бошимдан учди,
Она, сиздан айрилган құним.

Фарид бүлиб қолди севинчим,
Онагинам - буюк овунчим,
Хәётимда йүқолди тинчим,
Она, сиздан айрилган құним.

Күзларимда томчилайди ёш,
Чидамоққа үндайди қүйёш.
Кошки эди, тополсам бардош,
Она, сиздан айрилган құним.

Күлбам ғарид, кошона эмас,
Бу пешонам пешона эмас.
Езгантарим афсона эмас.
Она, сиздан айрилган құним.

Дүст, биродар, оғайнілар күп,
Үша дамда бўлишдилар тўп,
Мен-чи қолдим толдан ушлаб чўп.
Она, сиздан айрилган құним.

Йиғолғанча йигладим, бироқ.
Сиз-чи мендин кетдингиз йироқ,
Дүнә қадар туғилди сүроқ,
Она, сиздан айрилган күним.

Алам тұла тонглар ҳам отди,
Күз ёшларим қалбимда қотди.
Отам түшдә мени "үйғотди",
Она, сиздан айрилган күним.

Она жоним, дуогүй онам,
Ёруғ эди Сиз билан хонам,
Огриқ сезди дард билмас танам,
Она, сиздан айрилган күним.

Шұндан бери юраман беҳол,
"Шұқур" дейман сүралса ақвол,
Хотирамдан үчмас ҳеч маҳал,
Она, сиздан айрилган күним.

ФАЛСАФА

Умрни дарёга қиес этдилар,
Дунёнинг таърифин бердилар қизиқ.
Тилни, тафаккурни маҳкам тутдилар,
Ерга ҳар тарафдан тортдилар чизиқ.

Китоблар ёзилди инсон ҳақида,
Қонунлар инсонни йўлга бошлади.
Ҳаракатда бўлди минг бир ақила,
Ҳар давр ўз номини айта бошлади...

Дарёга ўхшайди барибир инсон,
Умрлар бетұхтов сувдек оқади.
Яшаш кимга қийин, кимгадир осон,
Дунё - асалари, туртсанг чақади.

Ўзининг қаричи, ўлчови бордир,
Бу ноқис дунёда ҳар бир одамнинг.
Пушмони эзмаса бўлгани охир,
Ноўрин босилган битта қадамнинг.

Ҳушёр турмоқликка бурчлимиз ҳар дам,
Эртанги кунимиз бугунга боғлиқ.
Инсон - дунёдан кенг, дунё - бир тутам,
Сирлар, синоатлар доим ўроғлиқ.

...Умрни дарёга қиес этарлар,
Қайда дейман ўша тоза дарёлар.
Одамлар дунёдан бир кун ўтарлар.
Қолдириб, қолдирмай жиндек зиёлар.

Ҳаст фалсафасин ўрганмоқ мушкул,
Донишлар ҳикмати: бири кам дунё.
Инсонни ўрганиб бўлмайди бутқул,
Дарё эмас, ахир, оқмаган дарё.

Инсон - гул, инсон - төғ, инсон - бу, уммон!
Инсоннинг умри кўп узундан-узоқ...
Инсонни улутлаб, боғаман ҳар ён,
Ағсуски... ҳар жойда қўйилган тузоқ.

МАЖНУНТОЛ ШОВУЛЛАЙДИ

Ой юлдузлар шуъласида
Сой суви ялтирайди.
Сабо эсиб күп осуда,
Тол барги қалтирайди.

Пичирлайди икки соя
Дарахтларга паналаб.
Гүё сўзлар икки қоя,
Қовушолмай турар лаб.

Олиб учар енгил шамол,
Икки дилнинг сўзларин.
Бир-бирига боқишар лол,
Жовдиратиб кўзларин...

Билмас, қайдан келган сеҳр,
Ой шуъласи балқанданда?..
Бу ажойиб тун ва меҳр
Ҳеч тутамас экан-да?..

Тураверса шивирлашиб,
Ойдин булоқ қошида.
Энтикишар, хўп сирлашиб,
Бу қандай зўр нашида?..

Булоқ сувин ялаб, юлқаб,
Мажнунтол шовуллайди.
Ой нури тунни алқаб,
Икки дилни улади...

ҲЕЧ ҲОРИМАС САБОТ БЕР МЕНГА

Зорланишни ёмон кўрардим,
Бироқ нетай ҳар нега зорман.
Сўрайвериш, юз саргайишдан,
Ялинишдан шундай безорман.

Бироқ...
Ялинмасанг ишинг битмайди,
Нелар керак эмас турмушга?
Ҳатто ёлворасан биронга,
Жойламоқ-чун ўслинг юмушга.

Яна қаңча икир-чикирлар,
Ялинтирас, қадингни букар.
Билиб, билмай "казо-казо"лар
Сўз тингламас, кўз ёшинг тўкар.

Куни битган уларнинг, ҳайҳот,
Бардошларим кетма беҳуда.
Ҳеч ҳоримас сабот бер менга,
Барчаси-чун, эй Қодир худо.

ИЗЛАНУВЧАН ПРАКТИКАНТ

Тошвой қайтди бу сафар
Үқишидан сал хомуш.
Сабабки, у домласидан
Шүндоқ топширик олмиш.

"Энди, Тошвой, савдони
Бироз күйиб турасиз.
Бир мактабдан-чи эплаб
Педпрактика оласиз..."

Тошвойнинг боши қотди:
"Практикаси ишдир-ов.
Педи нима экан-а,
Сўрсам, айтарми бирор".

Таваккал деб Тошвойжон
Яқин мактабга борди.
Кимдан билсам экан деб
Уён-буёнга юрди.

Сунг айланисиб мактабнинг
Буфетига йўл олди,
Туради буфетчи қиз
Тошвой унга гап "солди".

"Сизда, синглим, пед борми,
Бироз керак бўлувди".
Буфетчи қиз шўх экан,
Деди: "Аттанг келувди.

Афсус, тұгаб қолибди,
Энди хафа бўлмайсиз".
-Йўқ, йўқ, биз ҳам биламиз,
Ҳеч кўнгилга олмаймиз.

Танишлар омон бўлсин,
Базада бордир балки?
-Базада нималар йўқ,
Ололсангиз, амаки?

Тошвой дер: -Ўлибмизми,
Бор нарсани олмасак?
Фақат етиб боргунча
Қурғур тугаб қолмаса?..

БИР ГАП БҮЛАР

Дүнёнинг ишлари янгилик эмас,
Қайдадир гул үнса, қайдадир сўлар,
Куйиб пишмоқни қўй, тўқсон бешдан қўй,
Кайфингни сур, яшамоқ бир гап бўлар.

Уйда хотин "ишланг" деб бош қотирав,
Ишласам-қу, оилтага бир наф бўлар.
Бир сўзли одамлигим тутиб доим,
Юпатаман: "Хотинжон, бир гап бўлар?"

Идорада бошлиқлар "ўйланг" дейди,
Мендайларни тартибга тортиб улар.
Бўш келиш йўқ, жўражон, сўзим шу сўз:
"Менга ўйлаш шарт эмас, бир гап бўлар".

Анувларга ҳайронман бўлар-бўлмас,
Ишларга бошин суқиб ҳориб, толар.
Бу дунёда менинг ўз фалсафам бор:
"Кун ўтса бас", бошқаси бир гап бўлар.

Қарайман атрофимга назар солиб,
Кўпайса мен кабилар кўнглим тўлар.
Менсиз ҳам бу дунёда эгчилилар кўп,
Жон койитмай яшайман: бир гап бўлар.

Афсус, ёшлар юришиб ўзга йўлдан
Ҳушёрлар даврасида ўйнаб, кулар.
Сув тошса, ё камайса, менга нима,
Бир қултум сув топилар, бир гап бўлар.

Пайт келиб, қайта олсан ҳушёр йўлга
Арисам фалсафамдан чин зап бўлар.
Лоқайдтар ибрат олса, мендан келиб,
Тўкин юрт қучогида кўп гап бўлар.

НЕЧҮК ЎЙГА ТОЛДИНГИЗ, БОБО?

"Қариялар уйи" олдидағи сұтим бөг ўриндиқтаридан бирида ҳассасига сұяниб, چүкүр үйга толиб ўтирган бир бобони күрганимда, қалып титраб кетди. Тұплған әс-түйіларымни бейхтиёр шеърий мисрашарға тиздім.

Фарзанд йўқми, балки фарзанд бор,
Емоқ ичмоқ, нафақа бисер,
Йұталсанғиз ҳамшира тайёр,
Била туриб, сұради деманг,
Нечук үйга толдингиз, бобо?

Устингиз бут, ётар жой шинам,
Бироқ нега күзингизда нам,
Қайдан келған Сизға бүнча ғам,
Била туриб, сұради, деманг,
Нечук үйга толдингиз, бобо?

Ташлаб кетган фарзанд омонми?
"Қариялар уйи" ёмонми,
Сиз-чун үмр энди тамомми?
Била туриб сұради, деманг,
Нечук үйга толдингиз, бобо?

Олтмиш, етмиш, пайғамбар түйлар
Бұлмагани учұнми үйлар?
Қайда қолди фарзанд, обрүйлар,
Била туриб сұради, деманг,
Нечук үйга толдингиз, бобо?

Бизга бұви, боболар азиз,
Мард фарзандға вафолар азиз,
Хеч бўлмасин жафолар азиз,
Хомӯш хаёл сурманг, бобожон,
Үйга толиб турманг, бобожон.

Айланайин үйларингиздан,
Эгик, букик бўйларингиздан,
Биз қарздормиз түйларингиздан,
Била туриб сўрайман, узр,
Нечук үйга толдингиз, бобо?

“хосиятли кун” китобидан

БАХТ

Гүдакдан чолгача азатий тилак,
Диллар тубидаги мұқадdas орзу.
Бахт излаб яшаркан ҳатто капалак,
Бахтлилік биландыр ҳастнинг тарзи.

Бахт шодтиклардан яратган дараҳт,
Күзларга сұртгулик қар бир япрөғи.
Ардоқтай олмаган бир умр караҳт,
Эъзозлай олганга зардир тұпрөғи.

Бұл дараҳт ўсуғчан, илдизи маңкам,
Ҳосилин ақти эл күради баҳам.
Иймон ва садоқат бир умр ҳакам,
Бахтдан сарой ҳурган бүлмайди мұбҳам.

Бахт ёхуд нозиклик бобида шиша,
Панд бермес бұл йүлда ҳүшәрлик сира.
Авайтаб асрамоқ керак ҳамиша,
Қаровсиз чироқтар торғади хира.

Дараҳтга түшмасин ёвузлик құрти,
Лоқайдыл - бахт үйин чанғга буркайди.
Бахтлилар, ҳүшәр бүл, бахтни асрай бил,
Ёмөнлар пайт топса, қора сүркайди.

Эришган бахтингни қар недан асра,
Миш-миш ва тұжматдан, ёмон күзлардан..
Бало қазолардан, "Барно"дан асра,
Ҳамда асрай олғин ёмон сүзлардан.

Ұқинмай ҳаётдан ўтмоқ бүлсанғ гар,
Курашиб бахтинг ол күчинг етгүнча.
Бахт эса қалбингни мангуга безар,
Дунёни тарқ этиб, жүнаб кетгүнча.

СҮРА ДЕСА..

Қувонамиз қүёш нұр сочса,
Бұлұтланса күнгиллар хижил,
Шодланамиз дард, алам қочса
Ва юзларга югурап қызил!..

Үтаётган ҳар дам, ҳар бир күн,
Ҳар юракка айттар ўз розин!
Бир пас қўйиб ташвишлар юкин,
Элим қўшар шўх кўйга созин!

Елкасида олиб йилларни,
Дақиқалар учиб боради.
Кўрсатиб ойдин йилларни,
Эрк нурлари жўшиб боради!..

Ёнгил эмас йилларнинг юки,
Бор барининг ўз саодати,
Юксалиш бор, инсон бор токи,
Юрт биландир йилнинг омади.

Үтаётган йилларни ҳушлаб,
Келаётган йилга қарайман!..
Сўра деса, юртни олқишлиб,
Элга соғлиқ, тинчлик сўрайман!..

ХОСИЯТЛИ КҮН

Ниш урган күртакнинг сноқларида
Кўқламни кўтариб келмоқда Наврўз!
Ялпизнинг ям-яшил япроқларида
Шамолдай чайқалиб елмоқда Наврўз!

Наврўз келаётир қир. адирларда.
Сойлар беткайида қизгалдоқ бўлиб.
Наврўз келаётир кенг водийларда
Юртга ризқ-насиба барака олиб.

Наврўз келаётир ноз-ишва билан,
Муштоқ кўнгилларга севинчтар солиб.
Байрамга рӯҳ берар айтишув, ўлан,
Боболар рақс тушар раққослар қолиб,

Наволар самони кетгудай тутиб,
Наврўз қўшиқлари янграйди бирам!
Баҳорнинг илк кунин олишар кутиб.
Она Ўзбекистон - бу бوغу Эрам!

Тоғу дашт, Қизилқум сойларигача,
Наврўз кириб борар лола кўтариб.
Кекса-ఁш ва ширинтойларигача
Наврўз деб чопишар бола кўтариб.

Хосияти улут халқона байрам
Тўкинлик баҳш этиб келавер доим!
Минг шукур: элизимиз шодумон, хуррам,
Йилдан йил гўзалроқ бўлсин, илойим.

Саховат нурига йўғрил, эй осмон.
Дилларга ором бер, эй сарвар сабо!
Минг йиллар ҳорима Наврўз - қаҳрамон,
Келавер, келавер, келгин, Марҳабо!

...Баҳордай энтикиб, эҳтиром айтар
Боғларнинг беором қучоқларида.
Шаҳарда, қишлоқда сўмалак қайнар,
Минг хил таом пишар ўчоқларида.

Айтанай, наврӯзим, гурурим, бахтим,
Бир умр улут бўл, элимга эш бўл.
Яхшилик йўлида адашмас аҳдим -
Байрамлар ичра сен сўнмас қўёш бўл!

БИРОВЛАР БОР

Бировлар бор, олгин деса,
Тоғни тешиб олади.
Ўзинггамас элга десанг.
Дарров қочиб қолади.

Бировлар бор, мол-дунсни
Йигавериб тоғ қилар.
Бировлар бор ҳалқимга деб
Тошлиқда ҳам боғ қилар.

ҲАЁТ

Ҳаёт қувноқликдан июорат эмас,
Бор унинг ташвиши, бор унинг ғами.
Бўшашибсанг илашар этагингга ҳас,
Фоят узоқдадир ҳаёт инъоми!..

Осонмас ҳар дамда уни ушламоқ,
Шу сабаб ҳаётнинг жумбоги чигал!..
Мангулик эмаслир кўнгил хушламоқ,
Муаммолар бирдан ечилимас тутал!..

Узоқни яқынга келтирмоқ учун,
Мәхнат-ла юғурмоқ, елмоқлық керак!..
Яратғанга боғлаб қалаға үчин,
Бесікод ҳеч тасқын топмагай юрак!..

У қмасға үқтирап ҳаёттинг үзи,
Тұрмуш ташвишлари доно мұаллим!..
Сергакликнинг агар күмаса күзи,
Бекұда кетади әңг олий таълим!..

Ҳаёт шодилклардан иборат әмас,
Шу сабаб яралған сабр, матонат!..
Ҳүшөрга ҳеч маңал илашмайды хас,
Парвозға ҳар доим топади қанот!..

СИНГЛИМГА

Бор дардингни майли түкиб-түкиб сол,
Вұжудларим құлғым бўлсин!
Ҳақни сўзла тилларингта бол,
Икки кўзинг қарогим бўлсин.

Ҳаётингга ғубор тушмасин,
Ҳеч қисилма, қўнглингни кенг тут.
Эҳтиёт бўл, баҳтинг учмасин,
Ғам, андуҳа берилма, унут!

Чанг юқтирма киприкларингга,
Баҳтиёрсан, баҳтинг излаб топ.
Муз қотмасин қўприклиарингга,
Имиллама, баҳт ортидан чоп!

ТҮРГИЛЛАР

ЛАГАНБАРДОР

Фойдаси бор одамнинг соясига эгилиб,
Эшигидан кириб у тешигидан чиқади.
Нафи тегмас йўлиқса, афт-ангари бузилиб,
Қош-қовоги сузилиб, чаён бўлиб чақади.

ПОРАХҮР

У қайтармас, берганини олиб турар.
"Тушум"лардан кўнгли тўлмас, нолиб юрар,
Олавериб, олавериб, бу баччагар.
"Бер" деса гар, дўст бўйса ҳам тойиб турар.

ЯХШИ ИНСОН

Яхши инсон яхшилиги
Яхшиларга юқади.
Ёмон эса ёмон ўйлаб,
Ёмонга йўлиқади.

ТУЛКИМИЖОЗ

Бир кўришда, яъло дўстдай,
Ақлинг олар олдингда...
Бир кун айтмоғинг тайин:
"Билмай тушиб қолдим-да!"

АЙРИЛИШ ВА ҚАЙРИЛИШ

Шұндаілтар бор, ҳақиқий дұст,
Үлгүнингча айрилмас.
Шұндаілтар бор, номига дұст,
Мұхтож бўлсанг, қайрилмас.

АМАЛИЁТ

Бирөвларнинг "дұстлик" кўзи.
Кўрар, юрсанг амалда.
Бұндай дұстлар садоқатин
Кўролмайсиз амалда.

ИЧИ ТУТУН...

Бирөвлар бор ичи тутун, сирти бут,
Дардашмасанг, билдирамайды сирини.
Ичи ёниб құл бўлару ғинг демас,
Үлимдан ҳам баланд тутар орини.

ВИСОЛ

(Хазы)

Хаяжонли нигоҳларимиз,
Турфа гуллар рангу рўйида.
Сўз тополмай на ишқ, на гулга,
Ўтирибмиз гулзор бўйида.

Ўтирибмиз иккимиз ёлғиз,
Иккимиз ҳам айбормиз, гўё.
Иккимиз ҳам уятчан, камган:
Дитимизнинг либоси ҳаё!

Қайдан келиб, билмам бир ари.
Ғинг этди-ю, қўлимга қўнди.
"Вой чақади!" қизниңг овози
Жаранглади ва бирдан сўнди...

Ари учди гулзор ёқалаб,
Гулдан-гулга овушшиб кетди.
Битта ари сабаб бўлди-ю,
Қолган бари... қовушшиб кетди...

ҚҮМСАШ

Кече бола эдик, бугун не ҳол-а,
Азалий ҳақиқат! Саломга алик!
Бу ҳолдан нолимоқ бүткүл увол-а,
Фақат ташлаб кетма мени, болалик!

Қарилек баҳтига мушарраф бўлсам,
Ушалгани шудир армонларимнинг.
Шодумон кетаман энди мен ўлсам,
Зинаси мустаҳкам нарвонларимнинг!

Ҳар бир ҳаракатда, ҳар бир ҳулқда,
Асл болаликнинг акси бор, қаранг!
Хаёл гузарида болалик чопар,
Мен эса ўрнимдан тураман аранг...

Чин сўзим: бўнга ҳеч хафалигим йўқ,
Ер ушлаб суюнсам, туриб кетаман!..
Соғлигим ўйламанг, бундан кўнгил тўқ,
Сал сўяб юборинг, юриб кетаман!..

Кече бола эдик, оҳ, бугун чол-а,
Азалий ҳақиқат! Саломга алик.
Кексаликдан асло қилмасман нола,
Бироқ қандай яхши эди болалик...

ДИЛ ТАСВИРИ

Чүлпон күзлардаги сөхр шуъласи,
Нетай беихтиёр нигоҳим олди.
Пирпираб тұраркан киприк толаси
Күзларим гүзалнинг күзіда қолди.

У ҳам лол, мен ҳам лол - ажойиб бир ҳол,
Сирлашиб қолишиңды чаманда күзлар!
Умримда илк бора ғаройиб ақвол,
Назмимда топмадым тасвирбоп сүзлар!

Мұхаббат құдрати қароматидан,
Вүждім севгига күмилиб қолди.
Құралай күзларнинг бир қарашидан
Қатбимни ажыб ҳис зғаллаб олди!

Тұхтаб қолған эди дақиқалар ҳам,
Сүкүнат кезарди, гүё шу тобда.
Шу оний ҳолатнинг тасвириң ҳечам
Үқимаган әдім бирор китобда.

ҚОРА СОЧЛАР

(*Kūra*)

Берган ваъдаларинг, ёр,
айт-чи, чинми ёлғон-а,
Билишимча қалбингни
йўзга киши олғон-а?
Шу сабабдан юрагим
Сендан совиб қолғон-а
Қора сочларинг эса.
күйдиради тўлғона.
Мұҳаббатни бунчалик
хор айлама, ёргинам,
Нозиккина сулувим,
феъли бир оз торгинам!
Кўшиқ бўлиб оқмоқда
Сенга айттар бор гинам.
Ўзгага боқма қисё
келаётир оргинам.
Сева билсанг севгин-да,
севги ўйинчоқ эмас,
Севги сенга вақтинча,
дилга овунчоқ эмас!
Севгидан ҳам Низом бор,
севги кўзмунчоқ эмас,
Севги буюқ эҳтирос,
Зебу тақинчоқ эмас!
Эъзоз, эҳтиром керак,
севги бусиз хомхаёл,
Севги саройин бузмай
ушлаб туролса аёл.
Бахтнинг ўзи кслади,
севгидан қолмас савол,
Яшаш завқига тўяр
муҳаббат бўлса ҳалол.

САБОК

Үтгандим не қийин имтиҳонлардан,
Чүчимай ҳовлиқмай аъло ва дуруст.
Мен кириб мұхаббат кошонасига,
Бўлдим, бўлаяпман, билмам, нега суст?

Ҳайратда боқаман пештоқларига,
Сира кўрмаганиман бу ранг-чиройни.
Не бўлди кўз-у, қош киприкларимга,
Қайдан излаб топди бу гўзал жойни?

Сўз келмас тилимга қанча уринмай,
Гунг, соқов бўлгандай ҳолатда қолдим.
Қалбим сайраб турар бесас, бесамар,
Кошона бағридан куч, илҳом олдим.

Бир оғиз сўз шунча кароматлими,
Мафтункор мұхаббат, ўзинг айт, қани?
Изҳор этолмасам шуни шу қизга
Не қилай, йўл кўрсат, сўзинг айт, қани?

Ой ўтди, йил ўтди, ўтли имтиҳон,
Мұхаббат сабогин олгач ўрганиб.
Йигитлар, ўрганинг мұхаббат дарсин,
Юрмайин десанглар ишқда ўртаниб!

ҚАЙДАН ҲАМ УЧРАТДИМ?..

Қайдан ҳам учратдим сени, эй гүзал.
Энди туролмайман сени күрмайин.
Сен эса бепарво юрасан ҳамон,
Боқмайсан қаңчалар оқшлар урмайин.

Ишқ өгегани балки шу бўлса керак,
Эртадан кечгача сенни излайман.
Кечалари титроқ босиб вужудим,
Сени соғинаман бесас бўзлайман.

Ҳар тонгни кутаман сен ҳақда ўйлаб,
Ҳолимни кўришга кўрап кўз қани?!
Мұхаббат дарёси гарқ айлаётир,
Құтқарип қолишга керак сўз қани?!

Сезаман: сенинг ҳам қалбгинанг мұштоқ,
Майин жилмайшинг, кўнглимга таскин.
Томоша айлама узоқда туриб,
Кел, бирга ўйнайлик, мұхаббат рақсин!

Қайдан ҳам учратдим сени, эй гүзал,
Ризолик сўзингни энди кутаман.
Йўқ десант, гўзалим, ишқингда ёниб,
Дунёда Мажнундан ўзиб кетаман!

ГҮЗАЛ ҚИЗ

Бир қыз күрдим аңдор бүйіда
Ссхрланиб ўқирди ғазал.
Жарангларды овози бирам,
Юз, күzlари бетимсол гүзал!

Бу ҳолатдан бұлбұллар ҳайрон,
Гул, лолалар бошин чайқар жим!..
Юрагимни ушлаб турибман,
Мен "бемор" ҳам топғандай ҳаким.

Елишидан тұхтаб сабо ҳам,
Қиз сочини сийпалар майин.
Шовқынламай оқар аңдор ҳам,
Қайтаролмай гүзал қиз райнин.

Мұралайман мажнұнтол бүйлаб,
Такрор-такрор боқиб қиз томон!..
Ажид ҳол ва тенгсиз сұлувдан,
Шифо олар юрагим ҳамон!..

Ана чирой! Ана шаҳло күз,
Ип эшолмас, ҳатто фаришта.
Мен күрқаман: қиз кетиб қолиб
Күрган бүлмай бу ҳолни тушда!..

Рафаэл ҳам "Мадонна"сини
Ишламаган бүнчалар гүзал!..
Чиройига зебу зар бўлган,
Не экан у, балки байт ғазал?!

КҮНГИЛ КҮЧАЛАРИ...

(*"Күнгил күчалари"* видеофильмины күриб)

Күнгил күчалари дардли, фигонли,
Баъзида орзу ҳам бўлади армон.
Не ажаб, ушласам, гуллар тиконли,
Беролмай қоламан юракка фармон!

Күнгил күчалари чароғон эмас,
Адашмоқ ҳеч гагмас чорраҳаларда.
Не бир абжирлар бор панд берар бесас,
Сакрашиб юришиб сарлавҳаларда!

Күнгил күчалари сўқмоқлар излар,
Юрса юргудайин равон йўл тўриб.
Кўнгилга эрк берсак, кимлармиз бизлар,
Наҳотки ҳалоллик кетмоқда қуриб!

Кўнгил күчалари, топайин таскин,
Сипқора билганча дардларимни ол.
Томоша айлайин сеҳргар рақсин.
Эътиқод иймонга хилоғишиш увол!

Кўнгил күчалари сирлисан бунча.
Тинчимни оласан, қўшиқлар битиб.
Албат гул бўлгуси, ҳар нозик ғунча
Кўйлатмоқчимисан қалбларни титиб!

Кўнгил күчалари кексалик билмас.
Унинг-чи, кўзлари ҳайратта тўла.
Кўнгил күчалари бесабр, тинмас.
Ҳам ҳазил, ҳам чин гап - гайратга тўла.

МАНЗАРА (*Kýshik*)

Баҳорда қўйлагим келади мудом
Баҳорга аталган қўшиқларимни,
Тинчимам ва сира ололмам ором,
Мен рози этмасам ошиқларимни!

Инсоннинг севимли фаслидир баҳор,
Баҳордир борлиқни кашф этган фасл,
Бешакки, ғунчанинг очилмоғи бор,
Табиат қонуни бетимсөл, асл!..

Энтиккан қалбимда баҳор гуллайди,
Эш бўлиб табиат гуллари аро.
Ва лекин ҳар йили мени алдайди,
Ёр эмас, афсункор ўша "Шалола".

Мен эса ҳамонки, асраб келаман ю
Ўша хотиротни севиб, эъзозлаб.
Ўлсам шу хотирот билан ўламан,
Энтиккан қалбимни олмасам созлаб?!

Баҳорда қўйлагим келади мудом
Баҳорга аталган қўшиқларимни.
Тинчимам ва асло ололмам ором,
Шеъримга қўшмасам ошиқлигимни...

ҚИШДА

Ялангоч дарахтлар оқ либос кийган,
Күзни қамаштираар атроф ҳолати.
Сахий табиат ҳам бетимсол ийган,
Қуёш ҳам мўралаб боқар ғалати.

Оқликка бурканган далалар узра
Құшчалар чұғурлаб қанотин ёзар.
Қуриган қары тол белида арра
Бечора дарахтнинг бағрини ззар...

Ҳамма ёқ оқмомиқ, полвонлар келиб.
Қурашса тап-тайёр, оқ чойшаб майдон.
Енгил машиналар юғурап елиб,
Ер бети топ-тоза, асар йўқ лойдан.

Ҳув, анув тепада болалар ўйнаб.
Не ноглик шодликда чана тортишар.
Тарновлардан аста томчилайди сув,
Силкиган шохлардан балқиб қор тушар.

Ажиб манзаралар кашф этган фасл
Сал ўтмай изгирин бошлаб юборди.
Қүёшнинг ортидан тұн келиб асл
Күмүш пардасини ташлаб юборди.

Чаналарни тортган болалар чопиб
Иссик хоналарга олди ўзини.
Бетинім үвіилар шамол күй топиб,
Эркалаб, сийпалаб қорнинг юзини...

"АЛИФБО"га

Яқин олиб күнглигін
Китоб күрсам йигардым?!
Сени олиб құлымға
Саводимни чиқардым!..
Алифбожон!.. Дүнәда
Сендан улутт китоб йүк.
Сен баридан зиёда,
Сени ўқиб бўлдим шўх.
Тилтим бийрон, шеърни ҳам
Ҳижжакалайман, ўқийман,
Аъло ўқиб улгайсам,
Ўзим ҳам шеър тўқийман.
Алифбожон, хайр, хуш,
Сендан олгач илк савод.
Таъзим ила дегаймиз:
Миннатдормиз, умрбод!

"МАТЕМАТИКА"га

Қизиқ фан экан қаранг,
Математика деган.
Юзгача билдим аранг,
Ким ўйлаб топган экан?!
Сен туфайти билиб олдик
Икс, игрик, ромбларни,
Тенгламаларга солдик
Тақсим, қолдиқ сонларни.
Плюс, минус, квадрат,
Қандай сон у йиғинди?
Ҳисоблашга Норқувват,
Дилбарлар ҳам йинилди.
Қизиқ-да ўзи жуда
Ўқитувчи опамиз?!
Сон йўқолса, бирламчи -
Нуқул бизлар топамиз.

"ЎҚИШ КИТОБИ"га

Биламиз, Сизда гап кўп,
Шеър, топишмоқ ва эртак.
Сизда мақол, ривоят,
Сизда ғунча ва куртак!
Чархлаб билим пешма-пеш,
Узоқтарни кўзлаймиз,
Аждодлар тарихини
Авлодларга сўзлаймиз!
Тезкор дунё бизни ҳам,
Улгайтирап ҳадемай.
Она юрт диёрида.
Турамиз хизматга шай!
Ҳозир эса бетиним,
Илм олиб яйраймиз.
Буюк Ватан бағрида,
Булбул бўлиб сайраймиз.

ЎҚИТУВЧИ ОПАМГА

Келганим да мактабга,
Кувнаб кутиб олдингиз,
Баъзан тилим лол бўлса,
Кўрқиб ҳайрон қолдингиз.
Тўртга бешни қўшолмай,
Гаранг бўлганим эсланг,
Ўттиз бешни еттига
Аранг бўлганим эсланг...
Эсланг трактор сўзини,
"Тилактуп" деб айтганим.
Шошганимдан уялиб,
"Тилак мўл" деб айтганим!
Сочингизда оқ кўрдим,
Бари, балки мен учун,
Сиздай "малим" бўлмоққа,
Сарфлагайман бор қучим.

УЗУМЛАР

(*Қызим Баатыгул тишидан*)

Узум қолди пишай деб,
Дастурхонга тушай деб!..
Осилиб түрар бари,
Маржон мунчоқ сингари.

Қараб күзим түймайды
Улар ишлаб қўймайды.
Узумлар чарос-чарос,
Кўрганлар қиласр ҳавас,

Келинг, дўстлар, пишганда,
Дастурхонга тушганда,
Мазасини билайлик,
Қолса, майиз қилайлик.

ҲАНГОМА

Бир мактабнинг "тилчи"лари
Фикрлашиб қолишиди.
"Нуқул бизда ёзма иш", деб
Ишларидан нолишиди.

Бу гап етгач "бошлиқ"тарга
Улар қулоқ солишиди.
Тажриба деб барча фандан
Ёзма ишлар олишиди.

Муаллимлар ҳангуманг бўб
Қоғозларни йигарди.
Натижаси эса бир оз
Чигалликлар чиқарди.

Жутрофия, ашуладан
Хатоликлар кўп бўлди.
На бир диктант, на бир баён,
Муаммолар тўп бўлди.

Чизмачилик ва меҳнатдан
Кўп чизмалар чизилди.
Аввал қўйган баҳолари
Текширишда бузилди.

Ёзма ишлар яқуни сўнг
Педенгашда қаралди.
"Икки" бўлиш сабаблари
Синчиланиб кўрилди.

Бир-бирига домлажонлар
Ўпка, гина қилишиди.
Кўп ўйлашиб, охир шундай
Хуласага келишиди:

"Нега көрек шу ёзма иш
Қоғоз танқис йилда ҳам.
Бўлмасмикан оғзаки
Билим синаш тилда ҳам.

Бундай ўйлаб қараганда
Биздан меҳнат ортмайди.
Бироқ қанча ишласак ҳам
Ўқувчилар "торт" майди.

Ҳар синфда беш-олтита
Шунақалар учрайди.
Ёзма ишлар текшириш-да
Кўзларда нур кичрайди..."

Бу тажриба, бу синовлар
Тұгади шу йүсінде
Тажриба-ку ўз йўлида
Ҳақиқат ҳал бўлсин-да.

Алқисса шу айбдорлар,
Ўйлаб-ўйлаб топилди.
Айбларнинг бари келиб
Болаларга ёпилди...

**"ДИЙДОР"
китобидан**

ИФТИХОР ТҮЙГУСИ

Дарёлар мавж урар кўпириб, тошиб
Узумлар ишкомда шира боғлайди.
Машиналар елар йўлларда шошиб,
Яхшилар дўстларнинг кўнглин чоғлайди.

Гўдаклар қийқирап "тойча"лар миниб,
Қаддини ростлашиб Алпомиш мисол.
Гиркўклар ўтлоқда кишинар депсиниб,
Ошиқлар тушига киради висол.

Кўзларни олади ранг-баранг гуллар,
Қувончдан шоир бўб кетасиз жўшиб.
Бугун асло чўлга ўхшамас чўллар,
Қишлоқ табиати ўрнашган кўчиб.

Шарқираб оқади булоқларда сув,
Қиру-адирларда ўтлашар қўйлар.
Қўзилари бири-биридан сулув,
Кечки шом барчани чорлайди тўйлар.

Даврага файз берар дилбар қўшиқлар,
Ишлаш-у яшаш баҳт гўзал бўстонда,
Ушалган орзудан сармаст ошиқтар,
Бахтиёр яшашар Ўзбекистонда.

Ифтихор тўйгуси - Ватан тўйгуси,
Ҳаммани ҳамиша баҳтга чорлайди.
Гурурдан кишининг келмас уйқуси -
Истиқлол қўёши мангу порлайди.

МАРДЛАР ЮРТНИНГ ТУЗИН ОҚЛАЙДИ

(Иккинчи жаҳон урушида. Қаттаюнлик шигаридан ҳалок бўлган мард ва жасур отагаримизнинг ёрқин хотираларига баанислайман.)

Қайтаман деб қайтмаган отам,
Армонларин айтмаган отам,
Ўзи шундай пайтмикан отам,
Юрагимни алам тиғлайди.

Сиз ҳар ишда ғолиб эдингиз,
Не ёвларни мағлуб этдингиз,
Қай юртларда қолиб кетдингиз,
Дилбандингиз Сизни йўқладайди.

Онам Сизни қанчалар кутди,
Фамлар чекиб, заҳқумлар ютди,
Сизни кутиб дунёдан ўтди,
Изларида армон йиғлайди.

Меҳрингизни тўйолмай ўсдим,
Меҳрингизга тўйолмай ўсдим.
Ёвузларда бор маним қасдим,
Бу ҳислардан қалбим "уҳ" лайди.

Урушлар ва ҳақсизлик қурсин,
Она диёр тинч, омон бўлсин,
Элим давру давронлар сурсин,
Мардлар юртнинг тузин оқлайди.

ОНА ТИЛИМ

Давр бўлди йироқлашдик тилларимиздан,
Шўурларни олиб қўйгач дилларимиздан.
Не сўраймиз ўтмиш бўлган йилларимиздан,
Она тилим, жону дилим, яша умрбод!..

Тақдир дедик, тақдирлардан тарих яралди,
Пайти келди, бизлардан ҳам аҳвол сўралди.
Истиқболим олган юртим тилин кўролди,
Она тилим, жону дилим, яша умрбод!

Она тилим - гўзалликда юлдуз, ойлигим,
Она тилим - менинг баҳтим ва чиройлигим,
Она тилим - Ватан каби тенгсиз бойлигим,
Она тилим, жону дилим, яша умрбод!

Қўшиқларда кўйланиб юр, юрт бўлсин обод,
Чирой очган камолингга тилайин сабот,
Истиқболга чорлаётир мустақил ҳаёт,
Она тилим, жону дилим, яша умрбод!

ЭЪЗОЗЛАЙЛИК ТИНЧЛИКНИ...

Қолиб кетди... эсиз қанча одамлар,
Ҳамон эслаб нечовлар уввос тортиб "Отамлар",
Эзгуликка эш бўлсин босилажак қадамлар,
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

Олисларда мунгайиб қолиб кетган қабрлар,
Бардошига бош қўйиб, тўзим излар сабрлар,
Осуда юрт қўйнида үнитилар жабрлар.
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

Армонлари ушолмай ўққа учган жон ҳаққи,
Жангоҳларда ўт ичра балчиқ қучган тан ҳаққи,
Бир тишлами олиниб, қотиб қолган нон ҳаққи,
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

Ким барака кўрибди уруш деган сўзларда,
Ҳеч кимса қувонарми, етим бола бўзлар-да,
Хотиралар эсланиб ёш қалқади кўзларда,
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

...Сизга осон бўлмаган уруш кўрган боболар,
Чекканисизлар вақтида қанча жабру жафолар,
Энди Сизга ёр бўлсин ҳордиқ, ором, сафолар,
Лаънат ўқиб урушга, эъзозлайлик тинчликни!..

СИЗГА ТАЪЗИМ, АЛПОМИШ!

Алпомиши авлодиман, полвон ўтган наслимиз,
У алп бобомларнинг вужудимда қони бор.
Кураги ер кўрмаган паҳлавонмиз асли биз,
Тўқсон алп полвоннинг жонимизда жони бор!..

Юракларнинг қатида бобом рӯҳи яшайди,
Қўлтар курашга түшсам, жўшар қучим, қувватим.
Бир менмас, ҳамма бўгун Алпомишга ўхшайди.
Белбоғ тутинг белимга, келаяпти навбатим!..

Тортқилаб қўймаяпти қўлтаримдан Бойчибор,
Аждодларим рӯҳила ғолиб чиқай пойгада.
Тутпоримнинг шашти зўр, инмасин асло ғубор.
Элим, юртим қўлласа етмоқ мумкин ойгада!..

Бедор қалбга қўш илҳом, истиқболли Ватаним,
Ўзбекона қураш ҳам чиқди дунё юзига.
Гуркираб яшна, юксал, ҳур диёрим - чаманим,
Ёлғон айтиб кўрмаган Алпомишлар сўзига.

Шай турибмиз, айтсинлар Барчинойлар шартини,
Иккиланиш, қайтиш йўқ, мард билинар майдонда,
Тиф кесолмас ушбу дам Алпомишлар муртини,
Бойчиборлар ҳуркичмас дарёдан-да, сойдан-да.

Сезастган бўлсангиз, олов чақнар кўзларда,
Ҳақиқат бўлган жойда ис ксрак ўзи миш-миш?!
Боболар рӯҳи яшар ҳикматларда, сўзларда,
Полвонларнинг полвони, Сизга таъзим, Алпомиш!

МУҲАББАТ

Қайдан келди менга бу түйғу,
Кўзларимдан йўқолди уйқу.
Бирам тотли, бирам сеҳрли,
Вужудимни элитди завқи.

Дунё сигар қалбимга шу дам,
Борми экан севгисиз одам?!
Сўзларимга ишонсанг агар,
Ошиқ бўлиб кўринар олам!

Йўлга тушма дилларни ғашлаб,
Кетолмайсан барибир ташлаб.
Мұҳаббатнинг илдизи маҳкам,
Ҳеч ўбормай туради ушлаб!..

Илк мұҳаббат - биринчи баҳтим,
Буюқ қисмат - ушалса аҳдим!..
Ениб куйлар: соғинч, армон,
Мұҳаббатим - шоҳона тахтим!..

Шу түйғудан айирма сира,
Түйгулар йўқ бундан бокира!..
Илк севгининг чироги ўчмас,
Севги уйи тортмасин хира!..

Ойдин бўлсин мұҳаббат уйи,
Ҳеч сўнмасин жарангдор кўйи.
Мұҳаббатдан яралган инсон -
Түйғулари бўлмасин қўйи!..

Севилинүз севиб яшасин,
Обод айлаб оила - гўшасин,
Баҳт излаган ҳартирик инсон -
Тарқ этмасин севги кўчасин!..

ЮРАГИМДА БОРИН АЙТДИМ

Юрагимга ғулу солиб кетганинг не,
Билолмадим құлда маңкам түттанинг не.
Ұзим ҳайрон, дилим вайрон күтганинг не,
Дардинг олай, дардларимга дард құшмагин.

Үтли-үтли қараашларинг жоним олди,
Йұлларингга қарайвериб күзим толди.
Шириң сүзли вәъдаларинг қайда қолди,
Дардинг олай, дардларимга дард құшмагин.

Кечакундуз сени ўйлаб бетоб бўлдим,
Ҳижроннинг ҳам муддатини ўтаб бўлдим,
Ишқ богини бутолганча бутаб бўлдим.
Дардинг олай, дардларимга дард құшмагин.

Согинчнинг түйүлари қалбим ўртар,
Лоқайд бўлсанг севгининг ҳам қадри кетар.
Кутавериб соч оқарди, фироф етар.
Дардинг олай, дардларимга дард құшмагин.

Табассумнинг жилосига нима етсин,
Гина-құдрат ва миш-мишлар қуриб кетсин.
Ишқ йўлига тушов бўлма, юриб кетсин,
Дардинг олай, дардларимга дард құшмагин.

Севги қушин гулбогимдан үчирмадим,
Қалб тўрила номинг яшар үчирмадим.
Юрагимда борин айтдим, яширмадим,
Дардинг олай, дардларимга дард құшмагин.

ХОЙ СУЛУВ ҚИЗ, ЛАБЛАРИ БОЛ ҚИЗ!

Сүз айтмадинг, им ҳам қоқмадинг,
Хатто бир бор қиё бокмадинг,
Мен чамамда сенга ёқмадим,
Хой сулув қиз, лаблари бол қиз!

Сени кўриб, эсимдан тондим,
Қанча ёндин, қанча тўлғондим,
Бўлғонимча, дилдор бўлғондим,
Хой сулув қиз, лаблари бол қиз!

Излаганим тоза гул бўлди,
Юраккинам ёниб кул бўлди.
Топган сўзим фақат шул бўлди:
- Хой сулув қиз, лаблари бол қиз!

Ишқ дардига бир дам қулоқ сол,
Сени кўриб бўлдим жуда лол,
Қачонгача мен юраман дол,
Хой сулув қиз, лаблари бол қиз!

Интиқтирма ўзингга бунча,
Чиндан лобар экансан гўнча,
Сеҳрлиниг сеҳри ҳам шунча,
Кўп бўларми айтчи сулув қиз?

...Сездим: кўнглинг менда бор экан,
Шукур иқбол бизга ёр экан,
Диллар - дилга интизор экан,
Хой сулув қиз, лаблари бол қиз!

ҚУДРАТЛАРНИНГ ҚУДРАТИ БОР ЧИН СЕВГИДА...

Мевалар ҳеч айтишганми меваман деб,
Бевалар ҳам айтишганми беваман деб,
Севаман деб ёлғон-яшиқ лоғ урманг сиз,
Чин севганилар айтишмайди севаман деб!..

Ору-номус йўқолмасин ўзларингда,
Эзма бўлсанг, маъно қолмас сўзларингда,
Қудратларнинг қудрати бор чин севгидага,
Сен севгингни ифода эт кўзларингда!..

Эр йигитга ярашмайди асло ҳасрат,
Бахт қушини учирасан ўтса фурсат.
Қалбни-қалбга туташтирасе севги ўти,
Сен бу ўтни юрагингдан олиб кўрсат!

Кўйдим, ёндим дейиш ўзи шарт эмасдир,
Бугун севиб, эрта тонган мард эмасдир,
Сиртда туриб, ҳазил билманг сиз севгини,
Буюк дард бу - бошқа дардлар дард эмасдир!..

У илоҳий, минг йил унга поримайди,
Чин севгига бало-қазо доримайди,
Виждон, иймон бутун бўлсин, ўшанда ҳам,
Биз қарибмиз, лекин севги қаримайди.

ЯХШИ БҮЛАР

Ёмон бола қандай бола,
Қайдан чиққан ўзи у?!
Ўқишининг мазаси йўқ
Ва кўримсиз ёзуви.

Дарсликлари ифлос, йиртиқ,
Кундалик ҳам тутмайди.
Катталарнинг йўлин кесар,
Ўтсин, дея кутмайди.

Сўзларида мантиқ озу,
Ёлғони ва лофи кўп!
Танбеҳ берсак ҳамиша у
Бажармасдан дейди: "Хўп!"

Шундай бўлса, ёмон бола,
Эканини биламиз.
Бироқ энди биз уларни,
Қачон яхши қиласмиш?!

Касбимиз шу" қулай усул,
Топилади изласак.
Мехр қўйиб, шу болага.
Чин юракдан "сиз"ласак?!

Эртамиз-ку шу болалар,
Келажакни кўзласак!
Йўли бўлар, ақллим деб,
Ширин-ширин сўзласак!

Ахир, ёмон боланинг ҳам
Бордир яхши одати.
Шуни англаб ололсак биз -
Шу бола саодати!..

Шунда бола ёмонликдан
Жирканади, тұяди.
Синаб күринг, у, албатта,
Ёмонликни құяди.

Меҳр нури йўқолмасин.
Устозлар кўзимиздан.
Шогирлар ёмон бўлса,
Хатолик ўзимиздан.

Танти туриб тан берайлик.
Нега керак ўзга важ.
Олийгоҳга ўқувчимиз,
Киролмаса йўқ ривож!

Кўниксангиз бу аҳволга
Ишни қўйинг батамом,
Ўқувчилар вақтин олманг,
Бахтин олманг, гап тамом!

Ёмон бола яхши бўлар
Қудратлидир тарбия.
Пок бўлса қалб ёритадир
Бекор кетмас нур, зиё!

ОРЗУЛАРИ ОСМОН БОЛА

Бу боланинг чақнаб турган кўзларин айт,
Ҳикматона, ажаб, ўткир сўзларин айт,
Сеҳр тўла, мсҳр тўла юзларин айт,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Кўп ўқийди, кўп ёзади, эринмайди
Ва бекорчи ўйинларга берилмайди.
Ўзин мақтаб бирон жойда керитмайди,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Унда-бунда кўп лаллайиб юрмас саёқ,
Ишқин олган китоб-дафтар, қалам-бўёқ,
Уч синфни тутагди у бир йилдаёқ,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Вақт топади расм чизиб, шсьр ёзмоққа,
Ҳавас билан нигоҳ ташлаб баланд тоққа,
Бел боҳлаган чўққиларни забт этмоққа,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Барча фанни ихлос билан ўрганади,
Ҳайкалчалар ясайин деб тош йўнади,
Унинг қылған ишларидан дил қонади,
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Маҳаллаю мактабида ўз ўрни бор,
Қойил дейсиз санъатига чалса дутор,
Шахматда-ку, тенгдошларин барин ютар,
Оҳ йўл сенга, орзулари осмон бола.

Қирралари очитмоқда ўсган сайин,
Ушалгуси орзулари бешак, тайин.
Иқтидору тайратингдан айналайин.
Оқ йўл сенга, орзулари осмон бола!

НЕ УЧУН ЯШАЙДИ ДУНЁДА ИНСОН?

Чүккіларга құсш үрмалаб чиқди,
Ховузчадан учди юлдұзлар күкка.
Тұлин ой уларни бағрига йиғеди.
Чевар қызын ранг олди бундан жиякка.
Күкда ой ҳаридан паранжи ушлаб,
Секин одимлади чимилдинига.
Далалар юзида күкатлар нишлаб,
Бүй чүзар қишида ҳам қуёш тигида.
Тераклар ортидан мүралаб, шошиб,
Кунда ой ялтирада бағрини очиб,
Яна ҳовузчада юлдұзлар сирдош.
Яна чүккіларга үрмалар қуёш,
Олиб кетаётір умрингдан бир күн,
Қўлингдан келгүнча аянма сүаш,
Истасанг дүнёда савоб иш дуркун.
Күн ўтар, ой ўтар, ўтар йиллар ҳам,
Не-не ташвишлар-у, шодликлар олиб.
Не учун яшайди дүнёда одам?
Оғириң енгмаса, бўлмаса ғолиб,
Не учун яшайди дүнёда одам?
Недир яратмаса, ўзмаса вақтдан.
Ақд тафаккурни кутмаса мұдом,
Ажратиб қолгуси инсоний баҳтдан.

УМРЛАР БҮЛӘДИКИ

Умрлар бүләдикі, тавсифига сўз ожиз,
Умрлар бүләдикі, афсус, ундан қолмас из.
Умрлар ҳақида гоҳ шириң хаёл сурамиз,
Кашф этолмай гоҳида ўзимизни-ўзимиз.

Умр ўлчаб берилған шоҳдан то қабиргача,
Умрлар салтанати бешікдан - қабргача.
Бир күн олар бақосин құрурдан - сабргача,
Намлатиб қўймаса бас, қўзимизни - қўзимиз.

Инсоний бурчимизни қолдирамиз доғларда,
Туша билмай юрамиз, чиқиб олиб тоғларда,
Гумроҳлик панд берар... эҳ, дитни-дилга боғларда,
Инкор этиб баъзида сўзимизни - сўзимиз.

Умр йўли барчага бирдек деймиз-ку, аммо,
Дунёда камми дейсиз, тутилажак муаммо,
Ечар ҳар ким ўзича фозил, олим, уламо,
Таъм берар ёки бузар, тузимизни - тузимиз.

Хар инсонга берилған йўл битта, умр битта,
Бирор топар йўлини, бирор тополмас ҳатто.
Болаликдан биласиз, орзулар бўлар катта,
Ойдин қилсин умрлар юзимизни - юзимиз.

Умрлар-умрларга қўшилиб кетаверсин,
Интилган, излаганлар муродга ставерсин.
Юртимда опопқ тонглар нурланиб отаверсин,
Юксак-юксакда кўрсин изимизни - изимиз.

НАСИХАТ

Үзгедан гина қылма, нон - насибанг оз бўлса,
Кетмас асло бараканг иш қуролинг соз бўлса.
Кунинг тұнға айланар, қүшнинг лүттибоз бўлса.
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Денгиз бўлар, кўл бўлар, сув йигитиб тўп бўлса,
Ҳормассан, толиқмассан дўстинг қанча кўп бўлса,
Иморатга жон кирар уста бирла чўп бўлса,
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Асрай олсанг ёшликни, узоқ давом этгуси,
Йўқса ёшлик дарёси тезда оқиб кетгуси,
Эптолмасанг унутма, уволи-да тутгуси.
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Түгилган юрт тўргайи, ўзга булбулдан афзал,
Она юрт олтин бешик, бешик ҳар недан гўзал.
Қўшиққа айлангуси гар мумтоз бўлса газал,
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

"Бер" дейишни билганлар, "Ол" дейишдан қочмасин,
Умр қайта берилмас, кибрланиб тошмасин,
Қайтар дунё, бу дунё, кўп ҳаддидан ошмасин.
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Ҳаёт йўли ҳамиша бўлган эмас чаманзор,
Гоҳо учраб турғуси, йўллар узра чангальзор,
Эгри тўғри бўлолмас, ҳаётдан кўрмай озор.
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

Яшашнинг қонунлари, қоидалари каромат,
Ҳаёт тиниб-тинчимас тўлқинлардан иборат,
Шу тўлқинлар устига умр қўйган иморат.
Ҳаёт деган китобдан уққанларим шу бўлди.

ОРЗУЛИ ДУНЕ...

Югурек хаёллар бир нафас тұхта,
Мени ҳам ола кет қанотларингда
Сенинг тұлпорларинг учқур ва шұх-да,
Учайин мен ҳам бир Фиротларингда!..

Камалак рангларин ип қилиб ечиб,
Сүңг ясай тенгги йүқ энг күркам гилам.
Беҳадик үтайин булутлар кечиб
Андоза олмоққа шошилсін күклам.

Күнимга қуч қүшар дипимдаги ўт,
Имлаб чақиради ҳов анув тоғлар.
Парвозга иштиёқ, құлларимдан тұт,
Ҳамон энтикирар болалик өзгелар!

Ёмғир бүб қүйилай воҳалар бўйлаб,
Гулларга буркансин бу боғу бўстон,
Ўтайин бир умр юртимни қўйлаб,
Мангу омон бўлсин - жон Ўзбекистон!..

Ифтихор туйғусин кўтариб баланд,
Юртимга парвозлар тилайман доим!..
Элимда кўпайисин иқтидор, талант,
Қўлласин ҳамиша бизни худойим!..

КЕКСАЛАР

Қарисин қадрлаб улғайған элмиз,
Уларга меҳрда гүёки селмиз.
Эъзозлаб кутамиз бобожонларни,
Эъзозлаб кутамиз моможонларни.
Отажонларимиз ардоғимизда,
Онажонларимиз гулбогимизда.
Уйимизнинг тўри улар-ла гўзал,
Улар-ла баҳтлимиз азалдан-азал!
Улар - тоғ, улар - боғ, улар - қуёш, ой.
Улар-ла очгуси ҳар оила чирой!..
Файзу баракамиз кексалар билан,
Тўю маъракамиз кексалар билан.
Кексалар пиrimiz, дуогўйимиз,
Шулар-ла бус-бутун орзу ўйимиз!
Кексалар кўзига кўз бўлсак деймиз,
Қатбига энг ширин сўз айтсан деймиз.
Бошимизга омон бўлсин кексалар,
Шулар дуоси-ла эл-юрт юксалар!
Толиқиши билмасин умр йўлида,
Набиралар юрсин ўнгу-сўлида.
Насиҳат, ўғитлар - бетимсол сабоқ,
Қалблари покидири, ниятлари оқ.
Уларнинг дуосин олмоқ ўзи баҳт,
Уларнинг ҳар бири бир азим дараҳт.
Сўзлари дурдона, ҳикматонадир,
Шунчалар, доноки, диллар қонадир,
Юрт ишқи, эл ишқи мададкор бўлсин.
Кексалар ёшлар-ла фахрга тўлсин.

НАВОЙЙ ГУЛШАНИ

(Шеърият мулкининг султони
Алишер Навоий асарларини ўқиб...)

Кириб қолдим бу гулшанга, чиққум келмас,
Таровати ҳамда ҳусни ақлим олди.
Ҳар гулининг ҳар япроги, ҳар бир ранги,
Қалбларимни титратту дай туйғу солди.

Не сеҳр бор бу гулшанинг гулларида,
Боққан сайин боққум келар, түёлмасман.
Бир-биридан аъло кўркам малоҳати, -
Тутган гулни қўлларимдан қўёлмасман.

Асл шарбат меваларин тутган эдим,
Ваҳ-ваҳ! Ширин, таъми турар тилларимда,
Гўзал боғнинг сиртмогига илиндим-ов,
Ҳаяжондан қўшиқ жўшар дилларимда.

Кўзим – кўзмас, сўзим – сўзмас, ёлғон айтсан,
Боғ таърифин этолмасман буткул баён.
Турфа-турфа гуллар ранги ва жамоли –
Ким сукланиб назар солса бўлар аён.

Шунда ҳам-чи, бу денгиздан томчидай гап,
Ёқа ушлаб қолишинг бор ҳайратланиб
Сеҳр боягин оралаб тез чиқолмадим,
Ва сезмадим, кетганимни ғайратланиб.

Бу гулшанинг ором олар жойларин қўй,
Сўзлаш қийин сеҳрланиб қолганингни
Қалб тутёниш ошкор этиб шошиласан,
Ўзгаларга бермоқ учун олганингни.

Шу ҳолатга тушиб қолдим бутун мен ҳам,
Гул ислари ва чиройи айлади дол.
Кўзларимни пирпиратиб тўрибман жим,
Тотиб кўрган лабларимдан аримас бол!..

Бу гулшаннинг бօғбонига қойил қолиб –
Таҳсинларим тутатолмам минг йилда ҳам
Тавсифлари шунчалар ҳам юксак, буюк –
Камлик қитур жарангласа минг тилда ҳам!

Бу гулшаннинг бօғбонлари Мир Алишер –
Бобожоним экан қаранг, турар кулиб,
Бу гулшанга қарға кирса, каромат шу –
Чиқар ундан хұш овозли булбул бўлиб!..

Бобом бояи ҳавасимни оширди-ей,
Бунча сероб бу гулшаннинг асаллари!..
Бунчалар кенг тафаккурнинг қирралари –
Бунча ноёб – бобожоним асарлари!..

ТАФАККУР ЗИЁСИ..

(*Қозоқхалқынинг буюк ёзувчиси Собит Муқанов таваттудининг 100 шилтиги юбилешига бағылтایман*)

Дунёда не азиз дўстликдан ортиқ,
Не улуг неъмат бор тинчликдан зиёд.
Мехр ва садоқат дўстларга тортиқ,
Шулардан истиқбол этилар бунёд!

Бахтлар кошонаси дўстлар-ла суюқ,
Тошдан гул ундирап дўстларнинг аҳди.
Құдрат йўқ дунёда дўстликдан буюқ,
Тинчлик, дўстлик билан эл- юртнинг бахти!

Инсонга ёд эмас шодлик ҳам, ғам ҳам!
Барига гувоҳдир куррайи замин.
Сеҳр-синоатдир бу сирли олам,
Улуғлар кашф этиб, бол этар таъмин!

Тафаккур зиёсин тутиб қўлларда.
Собит улуғлади дўстликнинг кучин.
Дўстликдан гул унди юрса йўлларда,
У умрин бахш этди шу дўстлик учун!

Гафурни бағрига босиб қўйлади,
Деди ифтихор-ла: "Узбек ўз оғам!".
Дўстлик ришталарин ёниб сўйлади,
Хатто уруш даври қочиб кетди ғам!..

Беназир эмасми Гафур Гулом ҳам,
Собитни құчоқтаб: "Бовурим!" деди.
Мүшшира давраси қизирди бирам,
Шеърлари, сүзлари бир жағон эди!

Гафурим дер уни ҳар битта қозоқ,
Сабен дер Собитни ҳар битта ўзбек.
Дүст қалби ҳеч қачон бўлмаган узоқ,
Аслиди ҳар бир халқ ўз-ўзига бек!

Элларни дўст тутиб улгайган халқмиз,
Уларнинг китоби жавонларда таҳт.
Дўстлар дўст злида қолдиролса из,
Таърифсиз таҳсинга муҳланган баҳт!

Мўътабар, мұқадлас дўстликнинг йўли,
Парвозга шайлансанг, баҳш этар қанот.
Пўлатдан мустаҳкам дўстликнинг қўли,
Аждодин унутмас - келажак авлод!

Устоз деб фахр этар илму-толиблар,
Ул аҳли дониш-у, шоирларини.
Истеъод олдида ожиз қолиглар,
Имтиҳон айлагай ҳаёт барини!..

Китобмас, дилларда улар дастхати,
Сўнмай жўшаверсин дўстлик ва назм!
Устозлар хотири, дўстлик ҳурмати,
Улут сиймоларга айлайлик таъзим!..

КОНИМЕХИМ

Икки ярим минг йилликда тарихлари,
Ҳамон оқар ўша меҳр ариқлари,
Афсонамас, бор ҳақиқат довруқлари!..

Чорва бўлган чўли, кўли - бор дараси,
Авлодига достон сўйлар "Чордара"си,
Пойларида ухлаб ётар юр ўраси!..

Қилич ота, Мих оталар ўтган эл бу,
Яна қанча аҳти дониш ётган эл бу,
Бор-будини меҳмонига тутган эл бу!..

Бизда бўлган жировларнинг чақинлари,
Бекмурод ва Бозор. Қалдаш оқинлари,
Ғурур берар ёлқинлари, талқинлари.

Меҳнатидан шуҳрат топган чиройли юрт,
Шавкатли юрт, Уролбойли, Нортойли юрт,
Ўлкасидай очик кўнгил, айтарли юрт!..

Йўқдан борни ундирадир кўш бармоғи,
Қозонида қайнаб туар "Беш бармоғи",
Ишин сўрсанг, бўй чўзадир - бош бармоғи!..

Қодир, Даврон, Мұқим, Фурқат, Нургуллари -
Шу заминнинг оташнафас булбуллари,
Парвозга шай яна қанча қиз, уллари!..

Конимек бу - Конимеҳр, меҳрли юрт,
Чирой очиб келаётган сеҳрли юрт,
Бир-бир айтсан Зухрали юрт, Тоҳирли юрт!..

Алпомишли, Барчинойли, Фарҳодли юрт,
Ширинли юрт, осмон каби сарҳадли юрт,
Дуо олган аҳилли юрт, муродли юрт!..

Қузи Кўрпеш, Баян сұлув-сұлувли юрт,
Қимиз, шұбат ўтовида ишувли юрт,
Мехмонига кўрпачаси солувли юрт!..

Шукур дебон ўз баҳтини топған элим,
Бир иш қылса, бари бирдай чопған элим,
Тўнлар тикиб, бир-бирига ёпған элим!..

Баланд экан ҳам толеинг, ҳам иқболинг,
Баҳтномангни олиб берди истиқболинг,
Порлоқ эрур Юртбоши-ла истиқболинг!..

Гуллар билан гуллаёттир шундай ўлка,
Тойлар билан тўлаёттир шундай ўлка,
Обод, кўркам бўлаёттир шундай ўлка!..

Ривож берсин гулларингга, тойларингга,
Баҳор қўнсин қишингда ҳам сойларингга,
Қут барака йил-у, аср, ойларингга!..

Даврон келди жўшиб ишлаб, дўстлар, яшанг,
Тадбиркорли бўлсин ҳатто ялқов, бўшанг,
Турфа-турфа гулга тўлсин ҳар бир гўшант!..

ДОСТОИНАР

ПОЛВОН
Достон

Ушбу достонимни 1870-1957 йилларда
Конимек түманида яшаб ўтган,
Зарафшон воҳасида номдор Бобоқул
полвон Расул ўғли хотирасига ҳурмат ва
эҳтиром ила бағишлайман.

Муаллиф

КИРИШ

Сўзламоқчи бўлганим бу -
На эртак, на ривоят.
Қаҳрамоним ишлари лек,
Фаройибдир бағоят.

Ўн ёшдаёқ ёш Бобоқул
Қуч-қудратта тўлибди.
Унинг бу хил ўсишлари
Ажабтовур бўлибди.

Қуч-қувватин ишга солиб
Нақ ўн олти ёшида,
Тўрт-беш пудлик тошни тўпдай
Улоқтиришиб тишида.

Чўнг меҳнат ва қурашларда
Полвон бўлиб етилган.
Ёшлигидан унинг номин
Бутун Конимек билган.

Қураш тушса, қураклари
Асло срга тегмаган.
Хеч кимсага ялинмаган

Ва бўйини эгмаган.
Ор-номусли, диёнатли,
Камтар, соддадил бўлган.
Ҳалол ишлаб, ҳалол толиб
Кучга, қувватга тўлган.

У ўн олти ёшидаёқ,
Кетмон ясатиб олган.
Бу кетмонни кўрган одам
Ёқасин ушлаб қолган.

Саксонга - етмиш беш бўлган
Кетмонининг юзаси.
Узоқ-узоқларга кетган
Шов-шуву, овозаси.

Тўқмангит деб атапаркан
У туғилган қишлоқни.
Ўн ёшида еган экан
Бир тоюра пишлоқни.

Полвон шундай улғайибди.
Йил сайинмас, ой сайин.
Қулоқ тутинг, мен шу ҳақда
Дитимдагин бошлайн.

1

Айни баҳор пайти экан
Бу воқеа бўлганда.
Қир-адирлар, дала-дашлар
Гул, лолага тўлганда.

Қаҳатчилик ҳўкм сурган
Кунлар экан ўшанда.
Дон-дун камчил, қимматчилик
Авжга чиққан эканда.

Унда-бунда ишлаб топган
Пулларини қилиб жам.
Қалқонота бозорига
Полвон ташлабди қадам.

У шом билан йўлга тушиб,
Тонг отганда етибди.
Сал ўтмасдан халқ йигилиб.
Бозор қизиб кетибди.

Бунда бирор арпа, буғдой,
Бирор тариқ сотаркан.
Камбағалнинг ҳол-аҳволи
Унга оғир ботаркан.

Бир четидан тұшиб полвон
Айланибди бозорни
Ва күрибди бунда күпроқ
Бир бурда нонга зорни.

Уст-бошлари юпун, якир,
Беш-үн бола довдираб
Сотувчидан бир парча нон
Сўрашибди жовдираб.

Ўшқирибди нон сотувчи
Болаларга шундай деб:
- Учиринглар қораларинг
Қолмасингдан калтак еб!..

Шўрликкина болакайлар
Дийдираб қочишибди.
Полвоннинг-да юрак-бағри
Бу ҳолдан ачишибди.

Ўн боланинг ҳар бирига
Биттадан нон берибди.
Пулни олиб, сўнг сотувчи:
- Узимга хешлар. -дебди.

Гап уқмасга, гап айтишни
Лозим күрмабди полвон.
Лек, күзига күзин қадаб,
Бокибди жұда ёмон.

Шу ердаги қариялар
Дейишибди полвонға:
-Умр берсін ва бахт берсін
Оллоҳ сендей инсонға!

Полвон пұлин жамлаб күриб
Икки пұд бүтедой обди
Ва үч-түртта нон ҳам олиб
Хүржин-халтага собди.

Сүңг, қайтмоққа шошилибди,
Олиб йүлнинг танобин.
Йүлга чиққан чөданоқ у
Оларкан йүлнинг тобин.

У йүл юриб ҳормас экан,
Йүл юраркан олмай дам.
Конимех ва Қалқонота,
Ораси-да бир қадам.

Кетаётіб сой бўйида
Турғанларга дұч кебди,
Қарасаки, аҳвол чатоқ,
-Ёрдам берайми? - дебди.

Улар эса Бобоқулга
Менсімай қарашибди.
Бир нечови: "Ким бу?" дея,
Мүйловин бурашибди.

Полвон ногоҳ ўша томон
Тез-тез одим отибди.
Бундоқ боқса чуқур сойда

Файтуң ботиб ётибди.
Гилдираклар қимир этмас,
Ярмигача ботқоқ-лой.
Трисини айтар бүлсак
Ахвол экан жұдавой.

Тортишса ҳам, итарса ҳам,
Файтуң ҳеч жилмас экан.
Үн-үн бешта одам тажанг,
Лек, йүлин билмас экан.

Бек ва үч-түрт бекваччалар
Бақырармиш файтуңда.
Отлар, файтуң ботқоқдамиш,
Сүз дебди Полвон шунда:

-Хормангизлар, биродарлар,
Қийнаманглар отларни.
Бақыр-чақыр керак змас,
Бас қилинглар додтарни!

Бирөвлари "хүп" дейишиша,
Бирөвлари "йүк" дебди.
Бир бесквачча сакраб туриб:
-Урма бизга "дүк" дебди!

Икки от ва йигирма жон
Қылолмаганни үдда,
Сен кимсан, Алпомишимисан,
Наф борми тараддуңда?

Деб күксини керибди-да
Отасига қарабди.
Бек ҳам шүни күттан каби
Полвондан гап сүрабди:

-Гар күлингдан келса ука,
Йүлини топ, ёрдам бер.
Лекин қара, шүңча одам

Бенәф түкди қанча тер.
Қопин олиб елкасидан
Аста срга қүйибди.
Яктагини счар экан
Үзиза күч түйибди.

Енгларини шимарибди
Ва күксини керибди.
Алпдай қаддин тиклаб чаққон
Файтун сари елибди.

Бора солиб отларни у
Бүшатиб, узатибди.
Беклар ва түпланганлар
Жим туриб кузатибди.

Үюм-үюм ботқоқ лойни
Ғұла-ғұла қызиди.
"Е, пиrim!" деб отганида
Хамма ҳайрон қолибди.

Ярим соат ўтар-ўтмас
Файтун йүлин очибди.
Бекваччатар севинишиб
Танга, пузин сочибди...

Сүңт файтунни ўзи танқо,
Чиқазибди сойдан ҳам.
Бек дер эмиш ёқа ушлаб:
-Полвон келди қайдан ҳам?

Буни күрган кекса-ю ёш
Тил тишилашиб қолибди.
У ювиниб, елкасига
Юк хаттасин олибди.

Айланишиб гал-сүэ билан
Хамма қопти ссэмайин.
Бобополвон индамасдан

Йўлга түшибди тайин.
Хизматкорлар чопқиллашиб
Аравани ўрабди.
-Бу халоскор ким бўлди? - деб
Бир-биридан сўрабди.

Бирорлари билагон бўб:
-Бу Хизир бобо!..-дебди,-
Бухоролик бек бўлган сўнг,
Ўзи ёрдамга кебди.

Баъзилари ишонишса,
Баъзилар: "Йўғ-е"- дермиш
Шу ондаёқ ишонсангиз,
Тўқилибди кўп миш-миш.

Хизматкорлар елиб-чопиб,
Ювишибди файтунни.
Бақироқ бекваччанинг
Чиқмасдан қопти ўни.

Йўловчилар ўз йўлига
Тарқалишиб кетибди.
Гап-гап билан бекваччалар
Кутган ерга етибди.

Бек қараса ҳамма бормиш
Бошланганда зиёфат.
Халоскори - полвон йигит
Кўринмас эмиш фақат.

Шунда бекнинг қовоклари
Тўлишибди ғазабга.
Дебди:
-Чопар, Полвон қани,
Тезда толиб келтирмасанг,
Билгин, жонинг азобда!

Күркіб, қақшаб қопти чопар.
Не қиларин билемайин.
Бүйрүқ қатъий, бажармаса
Жазо олиши тайин.

Зудлик билан отбоқардан
Иккита от олибди.
Бириң миниб, иккінчисин
Үз изидан солибди.

Чопар йўлда ундан-бундан
Полвон йўлин сўрабди.
Отларини йўрттирганча
Қора кўрса қарабди.

Бешрабодга келганида
У Полвонни кўрибди.
Полвон эса: "Қайтмайман" леб,
Үз йўлига юрибди.

Ялинибди, ёлворибди,
Бекнинг сўзин айтибди.
Полвон унга раҳми келиб,
Айтган жойга қайтибди.

Бек Полвондан үзр сўраб
Ўтказибди ёнига
Ва мақтovли сўзлар лебди
Полвон шону шаънига.

Зиёфатнинг энг сўнгида,
Бек зар тўнин счибди
Ва полвонга кийдирib, сўнг,
Қучоқ очиб, қучибди.

Кетар чори от мингизиб
Тасанносин айтибди.
Полвон келган йўли билан
Үз уйига қайтибди.

Полвон айни күчга тұлған
Күнларининг бирида.
Ёз палласи. Кечга яқын
Үтирганда сүрида.

Дарвозаси тақиллады,
Авшал аста, сүңг қаттық.
Очса бирор отда эмиш,
Елкасида ов мильтық,

-Келинг, меҳмона, - дебди Полвон,
Дарвозасин ланг очиб.
Отлик дебди: -Раҳмат! ака,
Турибман бироз шошиб.

Хабарчиман Ҳасанбойдан,
Уни сизам танирсиз?
-Нима эди, эшигтанман,
Танимасак, танирмиз?!

Бизга қандай хизматтар бор?
-Сизга хизмат сарғовуз.
Кетмөн, ғалтагингиз олиб
Хузурига борсангиз.

Бош силкитиб дебди Полвон:
-Ховуз бўлса, ҳовузда.
Биз хизматта тайёр одам,
Бир оғиз сўзингизда.

Қани, меҳмона, отдан тушинг,
Аччиқкина чой тайёр.
-Вақти келса чойлашурмиз,
Бой топширган иш бисер.

Хабарчи шошиб кетибди,
Чангигиб тор күчани.
Полвон дебди хотинига:
-Тезроқ келтир гүжани.

Икки товоқ гүжа билан
Келиб қопти түртта нон.
Уларни шу ондаёқ денг
Тинчтиб ебди Полвон.

Сүнг устидан уч-түрт чойнак
Новвотли чой "урибди".
Хузурланиб, сал дам олиб,
Кучга түлиб турибди.

Түрт оёқли араванинг
Ярмидай ғалтагини
Афсонавий кетменин ва
Оқ сурпли яктагини,

Олиб йўлга тушар экан,
Хотинига дебди аста:
-Юқорига олиб қўйгин
Ўроқтар қолди пастда.

Болатар бор, қўрқмассизлар,
Мен бу кеча бўлмайман.
Бир иш чиқди, кетаяпман,
Қўшни қишлоқ Наймандан...

Шундан сўнг у ғалтагини
Сурганича кетибди.
Қоронгилик тушар-тушмас,
Найманга ҳам етибди.

Шу дессангиз Полвон қурнур
Айни хуфтон чоғида,
Ҳасанбойни топиб обди
Юрганда чорбогида.

Салом-алик, келишувлар,
Чўзилмай, тез битибди.
Кўп чойлашиб ўтиrmабди,
Иш бошланиб кетибди.

Ҳовуз бўлар жойни чизгач,
-Бошланг, - дебди Ҳасанбой.
Фикрлашиб бўлишганда
Чиқиб келар экан ой.

Ирили деб сўйишибди
Олиб келиб бир ширбоз.
Кетмонини "шип-шип"латиб
Ишга тушибди шоввоз.

Бироз ўтмай уйқу қистаб
Ухлаб қопти Ҳасанбой.
Полвон тиним билмас эмиш
Онда-сонда ҳўплаб чой.

"Ё, пирим!" деб бошланган иш,
Олибди ҳўп авжини.
Фақат кўқда Ой кўрармиш
Бу меҳнатнинг мавжини.

Ёз кечаси, ҳамма ухлаб,
Ҳурар эмиш баъзан ит.
Ҳовлилардан келар эмиш,
Пашша қувлар аччиқ дуд.

Чалинармиш қўлоққа гоҳ
Бақаларнинг сайраши.
Полвонга кўп ҳузур эмиш,
Меҳнат қилиб яйраши.

Кўркамлашиб қолганида
Ҳовзунинг ичи, гирди,
"Яша, Пол-вон!" деган каби
Хўрзлар қичқирибди.

Сарҳовузнинг тўрт ёнида
Тўртта супа бўлти тахт.
Ҳаммага ҳам насиб этмас
Бундай қудрат, бундай баҳт.

Олсинтар деб бунда ором,
Бўлишганда эл гавжум,
Ўтказибди сарҳовузнинг
Тўрт бурчига тўрт гужум.

Зўр иморат қураган каби
Бериди Полвон ишқин.
Бундай кўркам чиқмас экан
Олмаганда у машқин.

У ўзича ўйлаб қопти:
-Бой ҳам хурсанд бўлар! - деб.
Неча бир қув бўлсалар ҳам,
Энди кўнгли тўлар! - деб.
Полвон ишни битказганда
Тонг отиб келар экан.
Ёзги майин шабадалар
Ҳузурбахш слар экан.

Кетмони ва ғалтагини
Ювиб, тозатаб обди
Ва ювиниб, кийинган сўнг
Бой томон одимлабди.

У ҳовлига бўрилганда
Йўталиб, бой ҳам кебди.
Полвон сари қадам ташлаб:
-Яримлади-ми?... - дебди.

-Бўлдим!... - дебди Полвон вазмин,-
Боряпсизми кўргани?
-Ҳазил ҳам эви билан-ни,
Алдай олмайсиз ма-ни!..

Балки чизиқ чедда қолиб,
Үртадан олдингизми?
Ишни чала-чүлпа қилиб,
Тез бўла қолдингизми?

Бойнинг сўзи вайрон қипти
Полвоннинг дил-дилини.
Кўнглига кўп сўзлар кепти,
Лек, тишлабди тилини.

Оғир, вазмин бўлгани-чун
Дебди ўзини босиб:
-Ўзингизнинг шаънингизга
Сўз бўлмади, муносиб.

Аввал кўринг, ундан кейин
Айтинг бўлса нуқсони...
-Кўраман ҳам, айтаман ҳам,
Борми бундан осони? -

Дебди-да бой,
Бирор қувган каби шошиб
Етиб кепти ҳовузга.
Шу туриши, кўриниши
Ўхшармиш нақ ёвузга...

Не дейишин билмай қопти,
Гёё бўпти гунг ва лол.
Сўнгра дебди тизга кириб:
-Шунча яшаб,
Шунча ишлаб,
Қанча шаҳар,
Қишлоқ кўриб...
Одам кўриб, Полвон кўриб
Кўрмаганман бундай ҳол!!!

Кейин چүкүр "үх" тортиб Бой,
Бошин "қалт-қалт" чайқабди.
Буни күрган сезгир Полвон
Гап нелигин пайқабди.

Еңмадими? - дебди Полвон
Бұлса айтинг чаласи?
Ишга баҳо беришликнинг
Хозир айни палласи.

-Сарховузга... гап йүқ Полвон...
-Гап нимада бўлмаса?!
-Гап шундаки... бир ўзингиз...
Бир кечада... Мумкинмас...
Ишонмайман-н - дебди-да сўнг,
Чиқмай қопти бойдан сас.

Шу ҳолатда туриб қопти
Бошин қашлаганича.
Полвон ҳам сўз қотмабди ҳеч
Қадам ташлаганича.

Бу ғалати жимликда Бой
Минг хаёлга борибди.
Полвон ҳақин бермасликнинг
Йўлин излаб ҳорибди...

Полвон ҳақин талаб қилса
Бой кўнмабди сира ҳам.
У чинакам хасис экан,
Ўсал экан муттаҳам.

Бир кеча-чун ўнта қўйни
Ҳеч бергиси келманди.
Ўтда куйган одам каби
Буришиб қопти афти.

Сүяк ютган кишилардай
Томонини қирибди,
Кафтларини-кафтга үриб
Бирдан тилга кирибди:

-Хоҳласангиз ярмин берай,
Шукур қилинг шунга ҳам.
Бир ўзингиз қазмагансиз,
Бекорга эмас шубҳам.

Полвон дили ғашланибди,
Бу гапдан сўнг жуда ҳам.
Бор нафратин ичга ютиб,
Босибди қалбин алам.

-Хайф!!! - дебди Полвон Бойга,
Борми ўзи лафзингиз?
Минг афсус, Бой, ҳақиқатни
Кўрмас экан кўзингиз.

Ҳақиқат-бу тўқ данакдир,
Кўмсанг чиқар кўкариб.
Бермасангиз бермапсиз-да,
Бўймасман бундан ғариб.

Фақат эссаиз шунча меҳнат,
Шунча кетган ҳаракат.
Меҳнаткашнинг ҳаққин юлиб
Топмайсиз, сиз, баракат.

Нарсаларин олибди-да,
Полвон йўлга тушибди.
Кўнгли буткул вайрон бўлиб,
Уйи томон шошибди.

Полвон бўлган бу гапларни
Хотинига айтмабди,
Бироқ, тузган режасидан
Ва аҳдидан қайтмабди.

Ярим оқшом яна туриб
Үша жойга борибди.
Аста-секин қадам ташлаб,
Сездирмайин юрибди.

Кетмөн "шип-шип" этмасин деб,
Белкурақда ишлабди.
Сарғовузга түпроқ тортиб,
Роса босиб нишлабди

Беш таноб ср түпрөгидан
Үйиб-үйиб олибди.
Барин йигиб ғалтак билан
Сарғовузга солибди.

Эрта туриб қараса Бой,
Ховуз йүкмиш... Тепа бор.
Үйдим-чүкүр ерни күриб,
Бўлиб қопти телбавор

-Вой-дод!!! - дебди бошин ушлаб,-
Уйим қўйди-и-и, хало-ийқ!
Кўргилим кўп экан-қу,
Энди бўнга не ло-ийқ?

Хотин-халаж, бола-чақа,
Қўни-қўшни келибди.
Гап-сўз, миш-миш шу ондаёқ,
Қишлоқ бўйлаб елибди.

-Кўр-са-та-ман!!! - дермиш Ҳасан
Айбдорни кўргандай.
Бақиравмиш, додлар эмиш.
Уйин ўтри ургандай.

Шошиб-пишиб, отин миниб,
Қозига борибди Бой.
Дебди ихраб: -Қози бувा
Ёрдам қилинг, ҳолимвой!

Қози тинглаб бойнинг арзин
Чорлатибди Полвонни
Ва Полвонга дебди Қози:
-Қонун сўймас ёғонни.

Айтинг, Полвон, шундоқ ишни
Не мақсадда қилдингиз?
Ҳасанбойдан не хусумат,
Не ёмонлик кўрдингиз?!

Полвон қози сўзларидан
Сезибди Бойнинг қасдин.
Сўнгра оғир, вазмин туриб,
Сўзлабди сўзнинг ростин:

-Чакирирди, хизмат айтди,
Сўзин икки қилмадим.
Мен ҳакимда Сизга ўзи,
Не арз қилган, билмадим?!

Жой кўрсатиб чизиб берди.
Қайтиб хабар олмади.
Енг шимариб ишга тушдим,
Тонггача иш қолмади.

Бориб ҳовуз битди, десам,
Ҳанг-манг бўлди Бой ота.
Ҳатто оғир сўзлар айтди,
Кечча менга қаратса.

Хизмат ҳақи тўламади
Ва оғрити дитимни,
Сўз кўп эди айттар бўлсанам,
Бироқ, тийдим тилимни.

Бой номардлик қилгани-чун
Шундай ишни бошладим.
Ўзим қазган сарҳовузни,
Ўзим кўмиб ташладим.

Қози:

-Шу гап ростми, Ҳасанбой?

Ҳасанбай:

-Не ҳам дейин, вой, вой, вой,
Ростлигига рост-ку... бирок,
Бир ўзининг қазганлиги
Ҳақиқатдан йирокроқ!..

Бир кечада сарҳовузни
Қазолмайди бир одам.
Полвон бўлса ўз йўлига,
Ишонмайман ҳали ҳам.

Қози: (Полвонга)

Полвон агар иш қуроли
Мавжуд бўлса, бир кўрсак?
Кўп яхши бўлар эди.
Сўнг қайтиб сўхбат қурсак?

Полвон:

-Кўнглим сезиб келтиргандим,
Кўрсангизлар, марҳамат!

Қози:

-Олиб келиб яхши қибсиз,
Ақтингизга кўп раҳмат!

...Чиқишибди, аввал Қози,
Сўнг ортидан Бой, Полвон.
Қарашсалар турган экан
Баҳайбат, машҳур кетмон.

Қози ушлаб кўрибди, лек,
Ердан уза олмабди.
Мулзам бўлиб қопти Бой ҳам,
Гапга ўрин қолмабди.

Қози дәбди Бойга қараб,
Үз сүзининг сўнгига:
(Қалтираган Бойнинг эса
Ранг қолмабди рангида.)

-Бир тўлайсиз қазгани-чун,
Кўмгани-чун яна бир.
Ҳақдир - адолат, қонун.
Орни тўқманг, Ҳасанбой,
Ҳуқм қатъий, қарор-шув!
Бу ҳақдаги барча гап-сўз
Туманда бўлти шов-шув!

3

Бу воқеа содир бўлти
Нақ бешинчи йилларда.
Кароматли бу ҳикоят
Достон бўлти тилларда.

Конимехнинг марказида
Чоғроққина тепа бор.
Ён атрофи девор бўлган
Тепа билан баробар.

Олтмишинчи йилларгача
Сақланган кўҳна девор
Бора-бора смирилган.
Таъсир этиб, ёмғир, қор.

Одат бўлган у даврда
Девор қуриш пахсадан.
Чунки у кўп маҳкам бўлган.
Пишиб лойи ўқшадан.

...Ман-ман деган усталарни
Бек йигибди ўшандা.
Пахса иши жуда оғир,
Машаққатли экан-да.

...Иш тақатақ түхтаб қопти.
Олтынчига етганды.
Күп күрибди, бирок сира
Лой етмасмиш отганды...

Бек ўйланиб: "түхтанд!" дебди,
Топинг машхур Полвонни
У забардаст, у алп йигит,
Топа олар имконни.

Хабарчилар зир югуриб,
Топишибди Полвонни.
Ишламоққа рози бўпти,
Кўриб Полвон бу ҳолни.

Йигилишиб барча уста
Тайёрлабдилар лойни.
Баъзилари қулишибди
Хўплашиб аччиқ чойни.

Полвон эса "Ё, пирим!" деб,
Ишга тушиб кетибди.
Биринчиси йўлла қопти,
Иккинчиси етибди.

Ўрганибди чайир қўли,
Ўйнатибди капчани.
Полвон ишин кўрмоққа, эл,
Тўлдирибди кўчани.

Ёшу қари қойил қопти
Полвон қилган ишига.
Эз дуоси қувват бўпти,
Кўч қўшибди кўчига.

Ҳоримабди, чарчамабди
Тўққиз пахса битгунча.
Завқ оларкан кўрган одам,
Лойи бориб стгунча.

Турна каби учар экан,
Лойнинг гирди бузилмай.
Борар экан тизилишиб,
Орти сира узилмай.

Бир гал пахса ураётган
Уста чанқаб: "чой!" - дебди.
Лой пишигтич йигит шошиб:
- Қандоқ берар, вой! - дебди.

- Бўйти, - дебди Полвон кулиб, -
Хозир етиб борар чой.
Капчадаги лой устига
Тайёрлабди маҳсус жой.

Сўнг олдириб бир кося чой,
Ўрнатиб, узатибди.
Барча одам бу ҳолатни
Кизиқиб кузатибди.

Уста ҳам кўп чаққон экан,
Тўкмай итиб олибди.
Бу тадбирнинг ҳадисин ҳам,
Полвон билиб олибди.

Не-не ёшлар орзу қипти,
Мен ҳам Полвон бўлай, деб.
Машқ қилишиб тўришибди
Күч-куватга тўлай деб...

4

Зўр паҳлавон - кўчли Полвон
Қирқинчи йилларда ҳам,
Кўчдан қолмаган экан.
Етмишларга етса ҳам.

Хориб, толмаган экан,
Шу ёшда ҳам ишлардан.
Бөр шундайин ҳангома...
Эшигтан сүнг балки дерсиз:
-Эмасми, латифанома.

Чиндан ҳам қизиқда бу -
Полвон қылган ишлари.
Ишламаса туролмаскан,
Хатто ёзу қишилари.

Уруш даври. Ҳамма ерда
Очарчилик, йүүкчиллик.
Қариса-да тинмабди у
Бўлсин дея тўқчилик.

Шу йиллар ҳам тиним билмай
Полвонлигин қилибди.
Ўтингкашлик мұхим экан,
Полвон шуни билибди.

Даштга чиқиб ёвшан юлиб,
Нақ ўн олти дастани,
Кўтарганча бозор келиб
Гуллатаркан растани.

У ёвшани чопмас экан,
Кетмөн, ўроқ кўтариб.
Кўллар-ла юлар экан,
Томири-ла кўпориб.
Сув кўрмаган тошлоқ ерда
Машаққаткан қўпормоқ.
Беш-ўн ёвшан тортишдаёқ
Шилинаркан-да бармоқ.

Полвон учун эса бу иш
Шунчаки эрмак экан.
Хамирдан қыл суғургандай
Осонгина юларкан.

Полвон келса, ўтиңлари
Талаш бўлиб кетаркан.
Етмаганга эртасига
Етказаркан, элтаркан.

Полвоннинг бир келтиргани
Бир арава бўларкан,
Елкасига кўтарганин
Кўрган ҳайрон қоларкан.

Ҳар дастаси кам, кўп эмас,
Икки қулоқ бўларкан.
Бир қучори икки тандир
Қизитишга яраркан...

Х О Т И М А

Бугун Полвон авлодлари
Конимехда яшайди.
Ўғил-қизин бўйи-басти
Отасига ўхшайди.

Тонготаржон деган ўғли
Ёқар ота чирогин.
Кетмонини тутмаса ҳам
Олар гоҳ ўротгин.

Тўқманғитлик катта Полвон
Конимехда кўп машҳур.
Номини эслаб ҳамон
Тұямыз дилда күрур...

Худо раҳмат қилган бўлсин,
Азиз айласин Полвон!
Рұҳингизнинг олдида мен
Таъзимдаман ушбу он!..

КОМИМЕХР

Ривоят достон

Уибү ривоят-достоннинг яратилишига ўз
жиссасини қўшган устозларим: таниқи
ёзувчи Йўлдоши Муҳаммади Оташ ва кекса
ўқитувчи ҳамюртии Ҷомат Мамировларга
миннатдорчигигини билдираман ва уибү
асаримни шу устозларим хурматига
бапиштайман.

1

Қадим-қадим замонларда,
Турон деган томонларда,
Бир зўр подшоҳ ўтган экан,
Шон-шукратга ботган экан.
Елиб, сениб чопар экан,
Халқ дилини топар экан.
Тинч яшамоқ аҳди экан,
Юртнинг бахти, бахти экан,
Дуо ўқиб аҳли замон,
Яшар экан эли омон.
Яшил дала, Қирларида,
Жаннатмакон ерларида,
Йўлтар қуриб, текис, равон,
Яшар экан халқ фаровон.
Буюкликдан нишона деб,
Қолсин мангубошина деб,
Шаҳарларни бозар экан.
Эл шодланиб кезар экан,
... Эли эрта турар экан,
Шундай даврон сурар экан.
Тўқис экан ўтлоқлари.
Обод экан қишлоқлари.
Пир, бадавлат бир эл экан,
Меҳмон келса кел-кел экан.
Аҳил экан халқи бирам,
Ҳар гўшаси боғи-эрар!
Халқ шоҳидан рози экан.

Бу юрт, юртнинг сози экан.
Дуо кетган эл дер экан,
Хұнарлани кел дер экан,
Хұнарсизда қүч ийүқ экан.
Күчсизларга иш ийүқ экан,
Хотиржам тинч яшар экан,
Хар ким недир ясар экан,
Хұнарли эл баҳтли экан.
Доно шоҳи тактли экан.

2

Шоҳ бир күни қызли бўпти,
Қизи ширин сўзли бўпти.
Меҳрибону - қизнинг исми,
Мұнносиб бўб исми-жисми.
Йиллар ўтиб Меҳрибону,
Улнайибди бўлиб сулув.
Гўзаллардан гўзал бўпти.
Ўқигани ғазал бўпти.
Овозаси етти элга,
Таралибди етти тилда.
Хуштор бўлиб шаҳзодалар.
Гап тарқатиб шаҳнозалар.
Қиз таърифи достон бўпти.
Турон эли бўстон бўпти.
Бу хабардан олиб ҳовур,
Эрон шаҳзодаси Шопур.
Юрагини ушлаб қопти,
Маликани хушлаб қопти.
Буни сезган подшоҳ-овчи,
Юборибди қизга совчи.
Маликанинг отаси ҳам,
Ва меҳрибон онаси ҳам,
Совчиларни хушламабди,
Ҳамда ортиқ ушламабди.
Келгандар тез қайтибдилар,
Шоҳга барин айтибдилар.

...Эрон шоҳи ғазабланиб,
 "Уҳ" тортибди азобланиб.
 -"Йўқ, йўқ!" -дебди кўзи ёниб.
 "Шаддод" дебди оловланиб.
 Лашкарбоши шошиб-пишиб,
 Келиб қопти сув-пув ичиб,
 Шоҳ-чи унга ўдағайлаб.
 Сўз устига сўзлар қалаб.
 Қичқирибди, ўшгирибди.
 Сўнг йўталиб, шундай дебди:
 -Тезда Шаддод, лашкарни туз,
 Турон билан дўстликни буз.
 Ёв устига лашкарни сол,
 Неки яхши, барчасин ол...
 Ўчимни ол, армоним шу,
 Сенга берар фармоним шу!..
 Шоҳ фармонин олиб дилга,
 Шаддод кетди Турон элга...

Шопур шаҳзода-ю бироқ,
 Золимликдан эди йироқ.
 Отасининг кўп ишлари,
 Унга асло ёқмас эди,
 Отага кўп боқмас эди.
 Ота бўлгач, ота ахир.
 Не қилсан у, қуяр бағир...
 У ҳам Турон кетмоқ бўлди.
 Муродига етмоқ бўлди.
 Ҳеч бирорга билдирамасдан,
 Шоҳга фармон қилдирамасдан.
 Гўё оддий аскар бўлиб,
 Бораберди кучга тўлиб!..

Карнай-сурнай жарангоси,
 Дутор, ногора садоси,
 Йигит-қизларнинг ялласи,
 Бувиларнинг шўх алласи.
 Арқон тортиш-бурашлари,
 Полвонларнинг қурашлари.
 Хўрозд-қўчқор ўйинлари,
 Бардош берса бўйинлари.
 Қизир эди томошагоҳ,
 Тутамаса фақат ногоҳ.
 Сайлгоҳдан жилмас ҳеч ким,
 Ҳис- тўйруга қалблар лим-лим!..
 Кўлда ўйнар ҳандалаклар,
 Дошқозонда сумалаклар,
 Дастурхонлар тузатилар,
 Ош қўлма-қўл узатилар.
 Пишаётир минг хил таом,
 Дильтини хушлар "келин салом".
 Созандалар созин созлар,
 Пойга туншар чавандозлар.
 Келган гўё денгиз мавжи,
 Завқ багишлар қўйлар авжи!..
 Ўйинчини дириллатиб,
 Чанғовузни чириллатиб.
 Момоларнинг руҳи баланд,
 Гўдакларнинг луњкида қанд.
 Бўши келмасдан боболар ҳам,
 "Бешқарсак"ни олар маҳкам.
 Бу байрамни дерлар - Наврўз!..
 Диң қувонсин, қувонсин кўз!..
 Байрам эди шундай гўзал,
 Ўқиларди достон, ғазал.

Шамол ғир-ғир слар эди,
 Шаддод шошиб келар эди.
 Тузиб минг хил ёвуз режа,
 Күзларини қилиб бежо.
 Тушаётіб баланд қирдан,
 Түй ҳолатин күрди бирдан.
 Ҳайратланиб түриб қолди,
 Тұхтаб, ҳасл суриб қолди.
 Ора жуда ёвуқ эди,
 Ён нияти совуқ әди.
 Шаддод чорлаб сарбозларин,
 Аскарларин, энг созларин.
 Шопурни у душман билди,
 Пинқона бир мажлис қилди,
 Турон элга уруш бошлаб.
 Чор атрофдан қүшин таштаб.
 "Бир қиесмат жанг қытай", - деб,
 "Байрам күнин ман қытай", - деб.
 Сўйлашдилар, ўйтапидилар,
 Ўтов тикиб жойлашдилар...

Шопур уч-түрт дүстин олиб,
 Қатб түйүсін дилга солиб,
 Яшириңча йуллар оша,
 Ақтін олиб күп томоша,
 Байрам күриб ҳузур қилиб,
 Ва бу юртни дүст деб билиб.
 Қатбинголган қизни ўйлаб,
 Қатор-қатор ўтов бўйтаб.
 Назар солиб кетаберди,
 Қиз ҳам уни кутар эди..
 Севгининг ҳам кўзи бор-ов,
 Қизин топди Шопур дарров.

Мехрибону турган ерга,
Кириб борди ботиб терга.
Хасэл суриб малика қиз.
Үтиради ўзи ёлғиз.
Шахло эди кўзи, қоши.
Сулув эди юзи, сочи.
Гап йўқ эди чиройига,
Гуллар тўшалган пойига.
Бир-бирига қарашдилар.
Астагина сўрашдилар.
Дилларида ғазал эди,
Бир-биридан гўзал эди.
Сүқланишиб боқишаради.
Севги ўтин ёқишаради.
Ярашарди ширин сўзлар,
Лол қолишиб қора кўзлар.
Сўзлашарди тўйишмайин.
Вақтни бекор қўйишмайин.
Юзларида ўйнаб холлар,
Лабларидан томиб боллар.
Дил розларин сўзлашарди.
Бирин-бiri кўзлашарди.
Анча сұхбат қуриб Шопур,
Илк севгидан бўлиб сармаст.
Туйгулардан ёниб чиқди,
Утрашувдан қониб чиқди.
Ва даврага келди яна,
Хуш ёқарди тўй, тантана!..

Шадлод сесиб буни дарров,
Қилди ишни алғов-далғов.
Шопурни йўқ қилмоқ бўлди,
Уни ёв деб билмоқ бўлди.
У ён чопди, бу ён чопди,
Ўзича кўп ҳийла топди.

Шопур бағрин тилмөк бўлди,
Бу ўзига илмок бўлди.
Шаддод кўрс ва золим эди.
Бу хислати бошин еди.
Шопурнинг дўст, лашкарлари,
Ботир, полвон навкарлари.
Шаддод сари юзландилар,
Ёвуз Шаддод куни битди,
Юртни яна шодлик тутди.
Бу воқеа тафсилоти,
Турон шоҳга шу заҳоти.
Тилдан-тилга ўтиб борди.
Чопарчи ҳам етиб борди.

9

Турон шоҳнинг авжи келди,
Қўш дарёнинг мавжи келди.
"Мардга марддай бўлай!"-деди,
Ош дамлатиб ўнгур-сўлла,
От чоптириб Малик чўлда.
Зўр томоша тайин қилди.
Меҳмонларнинг жойин қилди..
Шопур шаъни ҳурмати деб,
Шунга арзир ҳиммати деб!.
Кўпкари ҳам қизиб кетди,
Бироқ ёвлар бузиб кетди.
Айни ўйин қизиганда,
Ёв ёвлигин қилмай канда.
Ҳийла бир-ла тузоқ қуриб,
(Тузоқлари кетсин қуриб).
Меҳрибону гўзал қизни.
Нозикгина асал қизни.
От ёлига боғладилар,
Қиз қалбини доғладилар,
Ёвлар чўчиб тез шопидилар,
Қизни кучиб об қочдилар.

Киз лабини тишлиб борар.
От ёлини ушлаб борар.
Халқа-халқа күзда ёши,
Қайда қолди баҳт қүёши?!
Ёвлар нұқул қочар эди,
Киз ахволи noctor эди.
Азобланиб борар эди,
Газабланиб борар эди.
Үксисб-үксисб йиғлар эди,
Бағрин бир ўт тиғлар эди.
Ёвлар нұқул қочар эди,
Хол-ахволи noctor эди,
Киз орзусин билармиди,
Е яхшилик қиласмиди?
Евуз душман ҳеч дүст бўлмас,
Ўпқонли ер сувга тўлмас.
Хориб борар эди отлар.
Наҳот инсон бундай зотлар?!

10

Ўйлашмасдан қиз ҳолини,
Фаҳм этмай ахволини.
Қирлар ошди, чўллар ошди,
"Чув-чув"лашиб гоҳ адашди.
Етишдилар тоғ қишлоққа,
Чор атрофи боғ қишлоққа.
Сўнг тушишиб отдан улар,
Бири қўйиб, бири қулар.
Ботир санаб ўзларини,
У қалалишиб кўзларини.
Гердайишиб туришдилар..
Базми-жамшид қуришдилар..
Ҳолдан тойиб қиз "үх"лади,
Дилда Шопурни йўқлади.
Икки кўзин нам қоплади,
Тоза қалбин нам қоплади.
Қўл, оғи бояли эди,

133

Үксик дили доғли эди.
Ишк дардидә ёнди, қүйди,
Ёвни қарғаб қасос түйди.
Турай деди, туролмади.
Юрай деди, юролмади.
Бу ҳолидан азобланди.
Жуда қаттиқ газабланди:
"Наҳот баҳтим қора бўлса,
Қалбим мангу яра бўлса?!"
Шоҳнинг қизи бўлсанм ўзим,
Ерда қолса орзум, сўзим.
Қайди қолди отам, онам,
Элим. юртим ва кошонам.
Не кўргуси, бу пешонам,
Қайдан келди бунчалар ғам?!"
Гуноҳим не, недир айбим.
Дардларимни тинглайди ким?
Оҳим сенга айтай, фалак,
Бўлаяпман бўлак-бўлак.
Ишонмасанг сийнамни ёр,
Қонларимни ту проққа қор.
Фақат мени Ватанимдан,
Жондан суяр жаҳонимдан,
Илтижом шу жудо этма!..
Шопуримдан айирма ҳеч!..
Тилагим шу эрта-ю-кеч!..
Бу кўргилик, бу фалокат,
Қайдан келди бу ҳалокат?!"
Наҳот энди мен баҳтсизман.
Наҳот энди мен тахтсизман?!"
Эй худойим, ўзинг йўл бер.
Шоҳ султоним ўзинг қўл бер!.."

Бу нолани тинглаб замин,
Ейишишиб қизнинг ғамин.
Тоғ, дарадан нидо келди,
Майин, нимжон садо келди.
Меҳрибону буткул толди,
Сўнг қийналиб ухлаб қолди...

Шопур сезиб ёв қилмишин,
 Қасирлатиб ост-уст тишин.
 Фазаб бир-ла күчга тұлиб,
 Лашкар тузиб, саф-саф бўлиб,
 Ёв ортидан йўлга тушди.
 Бир неча ёв қўлга тушди.
 Из қувишиб кета берди,
 Кунлар шундай ўтаверди.
 Баланд тоғдан ўтди улар,
 Ёв юритига стишдилар.
 Қирғинбарот жанг бошланди,
 Не бир елкалар "қашланди".
 Дарё бўлиб оқди қонлар,
 Сабил бўлди не бир жонлар.
 Ёвлар-девлар шошиб қолди,
 Бир нечови қочиб қолди,
 Ёв ёвлигин қилас эди,
 Шопур буни билар эди.
 Шопур ёвни тинмай қирди,
 Қиз томонга отин бурди,
 Шопур отдан сакраб тушди,
 Қўл-осекни дарров сяди.
 Термулишиб қолишидилар,
 Ёвуз ёвдан нолишидилар.
 Қуйида жанг қизир эди,
 Шопур қизга: - "Узр!", - деди.
 Сўнг от миниб жангга кирди,
 У ёвларни чопди, қирди.
 Юмалатди неча бошни,
 Улоктириди минглаб тошни.
 Дўст, сафдошин ёнин олди,
 Душманларнинг жонин олди.
 Қилич, қалқон тутиб қўлда,
 Ёв деганин қириб йўлда,
 Бораберди Шопур илдам,

Жанг майдонда ташлаб қадам.
Ёниқ қалб-ла ҳар ён чопди.
Лашкарларин излаб топди.
Сафга тизиб, сүнгра деди:
- "Мана душман додин еди,
Күрсатиб биз күчимизни,
Олдик қасос, учимизни,
Куч бирликда экан, билдик,
Ёвни бешак тор-мор қылдик
Энди элга қайтсак бўлар,
Буни элга айтсак бўлар,
Ёвуз золим күчлар синди,
Булоқларда сувлар тинди.
Жон дўстларим, не дейсизлар?!
Келинг энди, не ейсизлар?
Хоргансизлар жанг туфайли.
Бироз ўйнанг, кулинг, майти!"
Сўзларига якун ясаб,
Шопур турди ёрин тусаб.
Меҳрибону турган жойга,
Қилишгандай гўё пойга,
Бир зум ўтмай стиб борди,
Не сайлардан ўтиб борди.
Келиб бирдан туриб қолди,
Ва силласи қуриб қолди..
Қиз ўрнида дев турарди,
Кўзи ёниб уккағарди.
Олов туркаб, даҳшат солди,
Шопур андак шошиб қолди,
Ва тез ўзин ўнглаб олди,
Дев бошига қилич солди.
Бақиарди дев баччағар:
- "Ололмайсан қизни, занғар,
Меҳрибону сенга ҳам йўқ,
У париваш менга ҳам йўқ.
Қанча бўлма сен мафтуни.
Тополмайсан энди уни,
Чўкди дарё қаърига у.

Етти осмон нарида у!.."
- "Аблаң!!! - деди Шопур шүнда,
Не қиб қўйдинг уни, кунда?!"
Дарғазаб бўб кетди Шопур,
Бошин шартта узиб олди,
Сўнг ғазаб-ла наъра солди,
Лашкарлар ҳам сезиб қолди,
Югуришиб келиб қолди.
Шопур дили вайрон эди,
Сафдошлари ҳайрон эди?!
Ҳафта- ўн кун излашдилар,
Элу юрт-ла сўзлашдилар.
У юртига кетмоқ бўлди,
Не қылсин у, гули сўлди?!
Бироқ Шопур кетолмади,
Му родга ҳам етолмади...

12

Турон юртда қолиб Шопур.
Дилга орзу солиб Шопур.
Улкан режа тузиб олди,
Ва дўстларин ишга солди.
Бирлашишиб эронлик ҳам,
Бирлашишиб туронлик ҳам,
Бари лашкар бир булишди,
Аҳиллашиб зўр булишди.
Зарафшонга ирмоқ қилиб,
Ва забардаст булоқ қилиб.
Қазишдилар икки ариқ,
Икки ариқ - икки тарих.
Ариқларда сувлар тулиб,
Оқицдилар сойдай бўлиб.
Не-не дала, адирларда,
Сойликларда ва қирларда.
Эллар ошиб, чўллар ошиб,
Тўлқинланиб тўлиб, тошиб.
Чанқоқ чўлларни қондириб.

Чанқоқ дилларни қондириб,
Юрган ерни бүстон қылди.
Түрон юртни достон қылди.
Гул очитди сахрова ҳам,
Пасту баланд бўлди кўркам.
Икки ирмоқ тўлиб оқди.
Юртга иқбол қулиб боқди.
Ҳар гўшада боғу гулзор,
Тўкин-сочин бўлди бозор.
Чирой очиб сайлгоҳлар,
Дилни ҳушлаб оромгоҳлар.
Юрт чиройи оша берди.
Ариқтар ҳам жўша берди.
Мева-чева мўл-кўл бўлди,
Хирмонлар ҳам донга тўлди.
Дастурхонлар нонга тўлди,
Хўп ажойиб замон бўлди.
Гуллар унди тоғу даштда,
Гуллар унди ҳатто тошда.

13

Ойлар ўтди, йиълар ўтди.
Яшаб не-не эллар ўтди.
Висол топмай баҳтсиз ўтган,
Меҳрибону ва Шопурни
Севиб эслаб икки ҳурни,
Номларини тавоф айлаб,
Икки дилга савоб айлаб,
Учмасин деб номлари ҳеч
Кўчмасин деб номлари ҳеч.
Икки номни икки комга,
Севиб, суюб қўйишдилар.
Эслаб, қўйлар сўйишдилар.
"Комимеҳр бўлди бири,
Қўйга тўлиб сехри, сири.
Бирисини "Шопурком" деб,
Аташдилар машҳур ном деб.

Севишилар рухлари шод,
Бүлгани-чун авлодга ёд.
Тұлиб, яйраб оқар эмиш,
Элга бешак еқар эмиш.

14

Элда тарқаб шундай миш-мис
Фарқи ийқимиш: баҳорми, қишлоғы
Кечалари гоҳо-гоҳо,
Күч туғилиб бир илоҳа.
Ариқлардан икки пари,
Талпинишиб күкка сари,
Оққыш мисол учар эмиш,
Бир-бирини құчар эмиш.
Хатто құшиқ қуылтар эмиш,
Шивирлашиб сүйлар эмиш.
Дарллашармиш, қувнашармиш,
Бириң-бири құвлашармиш,
Тонг-ла яна ортта қайтиб,
Қалб титратар ёр-ёр айттыб,
Ирмоқларга қайтар эмиш,
Жұшиб недир айттар эмиш.
Боғлар сари құшдай учыб,
Қирғоқларни сүтоб, қучиб
Тұлқынлашиб борар эмиш,
Салқынланиб борар эмиш.
Боравериб элга, срга
Асрлардан - асрларга,
Наслтардан - наслларга.
Үтиб ҳамон оқар эмиш,
Қалби мангу баҳор эмиш!
Шундан бері "Конимекр".
Элдан - элга ўтавериб,
"Конимекр" - "Конимек" бүйір.
Аталибди эмас бу лоғ.
Ҳақиқатта яқын ғоят.
Конимекхинің тарихидан.

139

Оққан ирмоқ ариғидан,
Илхом олиб достон битдим,
Устозларни пир деб тутдим.
Келинглар деб бўстонимга.
Нуқта кўйдим достонимга!...

Изоҳлар: * Ком - ариқ, дарё. "Конимехр -
Мехр дарёси. (Ҳозирги Конимехруд). "Шопурком" -
Шопур дарёси. (Ҳозирги Шафиркоируд).

Ҳикоятлар

ДАВРОН БОБО ҲИКОЯТЛАРИ

К И Р И Ш

Нақ күз эди,
Бироз салқин,
Бироз тұндроқ
Эди күн.

Бұхорога
Бормоқ бўлиб.
Йўлга чиқдим
Кечқурун.

Жойлашиб ҳам
Олдим тезда,
Болгиланган
Үринга.

Кеб жойлаши
бир нуроний
снимдаги
ўринга.

Мұхбир халқи
Умр бўйи
Хангомачи
Бўлади.

Айниқса-чи,
Йўлга чиқса
Сўзлашмаса
ўлади.

Даврон бобо
Экан исми,
Ёқиб қолди

Күзимга,
Доно-доно
Жавоб бергач,
Хар бир савол,
Сўзимга.

Кўпни кўрган
Инсон экан.
Даврон бобо
Зўр бобо.

Унинг айтган
Ҳикоятин
Сиз ҳам тингланг
Марҳабо!

БИРИНЧИ ҲИКОЯТ

Қишлоғимиз
Машҳур эмас,
Оддийгина
Бир қишлоқ,

Қишлоқ бўйлаб
Оқиб ўтар:
Бир аригу
Бир булоқ

Шу қишлоқда
Ӯсиб, ундум,
Топдим шунда
Бахтимни,

Болаликдан
Ва ёшлиқдан
Маҳкам тутдим

Аҳдимни.
Меҳнат бўлди,
Хунар бўлди,
Ўқиши бўлди
Иқболим,

Лек, билмасдим,
Лойларимни
Қайдан олган
Кулолим?!

Сабр билан
Қаноатни
Сафдошим деб
Тутиндим,

Иймон билан
Диёнатни
Умрим бўйи
Толиндим.

Неки яхши
Хислат бўлса,
Олмоқ учун
Югурдим,

Мухбир укам,
Қанчасига
Билмам, етиб,
Ултүрдим⁹

Не яхшилик
Кўрган бўлсан,
Момонг билан
Кўрганмиз,

Кечагидай
Хотирдадир,
Қандай тўрмуш

Курганмиз.
Уни менга,
Мени унга
Учраштириди
Худойим,

Дилнинг дилга
Туташгани
Мангу бўлсин
Илойим!

Тақдирмиカン,
Тўғри келди
Юлдузимиз
Юлдузга,

Етиб келдик
Шу кунларга,
Доғ туширмай
Илдизга.

Бирдай экан
Иккимизнинг
Орзу, мақсад
Йўлимиз,

Буни қаранг,
Дилимиздай
Очиқ экан
Қўлимиз.

Чин мұхаббат,
Чин севгимиз
Қалбимизга
Жон берди,

Ота-она,
Оғайни, дұст,
Севгимизга

Тан берди.
Шундай севдик,
Свишдикки,
Хайрон қолди
Күп ғаним,

Сулув мени
“Бегим!”-дерди.
Мен-чи, дердим:
«Санамим!».

Ёлғончилік
Қылмас әдік,
Айтар әдік
Хақ сұзни,

Бирор хато
Қилиб қўйсак,
Оқтамасдик
Хеч үзни.

Садоқатли
Бўлмоқ учун
Қилған әдік
Қатый аҳд,

Қароримиз
Қатый әди,
Шундан балки
Топдик баҳт.

Аҳдимиизда
Қаттиқ турдик,
Бардош бердик
Тұрмұшға,

Күролмаслар
Бўлди, бироқ,
Ишонмадик

Миш-миншга.
Рүзөр деган
Тұганмас иш -
Катта ташвиш
Чиндан ҳам,

Эгри йүлға
Мойил бўлсанг,
Чиқазади
Диндан ҳам.

Рўзғор - бу ғор,
Қанча таши,
Қанча келтир -
Тўлмайди,

Бола-чақа,
Уй ва тўй деб,
Йигинмасанг
Бўлмайди.

Ҳеч бир нарса
Ўз-ўзидан
Шундайгина
Яралмас,

Бу дунёда
Ҳеч бир одам
Ташвишларсиз
Юролмас.

Нималарга
Дүч келмадик,
Нималарни
Кўрмадик?

Лек, ҳеч қачон
Чўчимадик,
Ва олмадик
Ҳеч ҳадик,

Күл синса ҳам
Билдирмадик.
Енг ичидә
Сакладик,

Фийбат, иғво
Түқитганда.
Марур түриб
Покладик.

Түсиқларга
Йүлиққанда,
Гангиб ортга
Қайтмадик.

Энг мұхими –
Мұлжал сари
Ташлайвердик
Қадамни,

Баъзан түрмүш
Ташвишлари
Чалғитаркан
Одамни.

Бахт юлдузин
Оиламиздан
Ололмади
Хасадгүй.

Сүкмоқлардан
Чика олдик,
Дадил юриб
Илгари,

Толсак, толдик
Демадик ҳеч,
Саботлизтар

Сингари.
Мақсад сари
Тенг интилиб,
Яшаш завқи
Қандай зўр?

Бундай баҳтга
Етолмасдик,
Бўлсак агар
Ношу д, гўр!

Ўйлаб кўрсак,
Оқар сувдай
Ўтиб борар
Умримиз,

Бизни мудом
Тетик туттан –
Қаноату
Сабримиз.

Ортимизга
Назар солсак,
Олиб қўйиб
Дўппини,

У шалтириб
Қўйибмиз, эҳ,
Орзуларнинг
Кўпини!

Нолимаймиз
Умримиздан
Бизлар яхши
Яшадик,

Ёмонлардан
Ҳазар қилиб,
Яхшиларга

Үхшадик.
Шукур, деймиз,
Чолу кампир,
Сүз айтмаймиз
Бўрттириб,

Не қилмоқчи
Эдик ўзи,
Болалардан
Ортириб?!

Бундай ўйга
Бормадик ҳам,
Тўпламадик
Мол-дунё,

Лек, уларга
Бердик фақат;
Билим, ҳунар
Ва зиё.

Ўн фарзандни
Улгайтирдик,
Ҳам ўқитдик,
Уйладик,

Йигиб-териб,
Навбат билан
Дилбандларни
Тўйладик.

Шукур, бари
Эсли – ҳушли
Ўйлашар ўз
Ўчогин.

Бир ҳафтада
Бир кўрмаса,
Очиб келар
Қучогин.

Иссиқ-совук
Холимиздан
Хабар олиб
Туришар,

Етмасимиз
Етказишиб,
Күвонишиб
Юришар.

Эңг мұхими –
Одамохун,
Күнгли камга
Алодир,

Ватани-чун,
Халқи учун
Зарур бўлса
Фидодир.

Эңг мұхими –
Иzlанишдан,
Интилишдан
Толишмас,

Елиб. ёниб
Югuriшар,
Зинҳор-зинҳор
Нолишмас.

Мұхбир укам,
Тинчиб кеттан
Беш ўғил ҳам,
Беш қиз ҳам,

Эңг мұхими –
Аҳил яшар,
Рўзғорлари

Мұстаҳкам.
Набирайтар
Құршовида
Ардоқдамиз,
Биз хұрам,

Иzzat, ұрмат
Айлашади,
Бир-биридан
Мұкаррам.

Мәхнатимиз,
Тарбиямиз
Шүкүр, зое
Көтмади,

Бұ дүнёда
Қанча кимса
Бундай баҳтга
Етмади?!

Шұқроналар
Айта – айта
Үзни маҳкам
Тұтдик биз,

Чаманзор ва
Чангалзордан,
Бирға – бирға
Үтдик биз.

Сабр, бардош,
Вафодорлик
Қанот бўлди,
Бахт бўлди,

Бошқаларни
Битмадим-ку,
Бизга сабот
Аҳд бўлди.

Гап кўп экан
Аввал бошда:
Аҳдлашувда,
Орзуда,

Мухбир укам
Яшаяпмиз
Эллик йилки
Осуда.

Бу гапларни
Мақтанишмас,
Ибрат учун
Сўзладим,

Умр бўйи
Яхшилик ва
Савоб ишни
Кўзладим.

Бир-биримиз
Сиз-сизлашиб,
Қўша қариб
Юрибмиз,

У деб, бу деб,
Укам, мана
Етмиш бешни
Урибмиз.

Кўп гапириб
Чанқадим-ов,
Қани, укам,
Чойдан кўй ...

Қўлда чойнак
Дилда эса,
Жўшар эди
Ёруғ ўй...

ИККИНЧИ ҲИКОЯТ

Үрни келди
Сүзлаб берай
Яна битта
Ҳикоят,

Аянчли ва
Ибратомуз
Ҳам ҳайратли
Уғоят.

Бўлар эди
Бир қўшнимиз,
Кўриниши
Басавлат,

Ўзи, ўели
Ва хотини,
Ихчам рўзғор.
Бадавлат.

Бу рўзғорда
Ёлғиз фарзанд
Ўси жуда
Эркатой,

Шунданмикан,
Бола сўзи
Устун эди
Ҳойнаҳой?!

Ўстирдилар
Болакайни
Бирор юмуш
Қилдирмай,

Қийинчилік,
Йүқчиликни
Зарра бўлсин
Билдирмай.

Мабодо у
Чой сўраса,
Ёғ тутишди
Оғзига,

Едиришди,
Ичиришди,
Келгунича
Бўғзига.

Асл мато –
Либосларни
Кийдиришиди
Уйда ҳам,

Шундан бола
Битмай ўсди,
Недир ташвиш,
Недир ҳам.

Бир кун авто-
Фалокатда
Қайтиш қилди
Отаси.

Йигит бўлган
Үғил эса,
На ўқиб, на
Ишлади.

Манманликка
Ва кибрга
Ружу кўя
Бошлади.

Хаво бериб
Күтәрарди
Отасининг
Давлати.

Бор-йўқунга
Кўчгани ҳам
Фақат ота
Савлати.

Бир йил ўтмай
Бирин-кетин
Уч-тўрттага
Уйланди.

Қарабсизки,
Нодон йигит
Хотинбозга
Айланди.

Эртаю кеч
Ишта эмас.
Маишатга
Берилди.

Кайфи ошиб
Давраларда
“Мен зўрман!” – деб
Керилди.

Беш-ўн йилда
Мол-дунёни
Тиним билмай
Совурди.

Онаси ва
Хотинтарин
Дилин, тилин
Ковурди.

Оқибатда
Нима бўлди,
Хазон бўлди
Ёш жони,

Йўқ эдими
Бу йигитда
Бахтли яшаш
Имкони?!

Барбод бўлди
Бир ўзимас,
Бутун бошли
Оила,

Шунинг учун
Дегим келар:
Бахт гўшасин
Авайланг!..

Кўп қадимдан
Бир ҳикмат бор,
Бир нақл бор
Дунёда,

Бу ҳикматни
Улуғ дейман
Ва кўрурман
Зиёда:

“Ҳар ким қилса,
Жабр қилар
Фақатгина
Ўзига!”.

Амал қилмоқ
Кўп жойиздир
Донишмандлар
Сўзига.

Үрингими,
Үрингизми,
Келди гапнинг
Хонаси,

Бу йигитни
Бахтсиз қилған,
Асли ота –
Онаси.

Ақт билан
Яшамади,
Ул нодоннинг
Ўзи ҳам,

Нима яхши,
Нима ёмон.
Кўролмади
Кўзи ҳам.

Юраги ҳам
Ҳис этмади,
Мұҳаббат не,
Севги не?

Қийин экан,
Одам ўзи
Эптолмаса
Ўзини...

Бўларми деб
Сўзладим-да
Ёшларга сал
Фойдаси,

Бир гурунгда
Очилмас-ов,
Бахтия яшаш
Коидаси.

Мұхбір үкам,
Савол бердінгі,
Жавоб қылдым
Діл ёзиб,

Мұрод ҳосил
Бұлды дердім,
Берган бұлсам
Етказиб...

...Тонг палласи
Елганида
Майин, салқын
Хуш бүй ел,

Түшиб қолди
Навоийда
Даврон бобо
Силкиб құл.

Бобо кетди,
Мен борардим
Үйга толиб
Поездда,

Бундай чогда
Хәёл билан
Бўлишлик ҳам
Жоиз-да...

X УЛОСА

Хәёлимни
Чулғаб олди,
Турли-туман
Тақдирлар,

Шуни билдим,
Яхшиларни
Тангрим ўзи
Тақдирлар.

Емонлар ҳам
Четда қолмай,
Олар экан
Жазосин.

Билган билар,
Бу гапларнинг
Маъноси ва
Мазасин.

Сир-синоат
Ўзимизда,
Кўлимизда
Буюклик!..

Насиб этсин
Ҳар кимсага
Инсон номли
Суюклик.

Ўксимасдан
Бахтин топсин.
Кўпайсин
Бахт топганлар.

Бахтили бўлсин,
Тахтили бўлсин,
Бахти учун
Чопгандар.

ҒАЛАТИ ШУМЛИК

Бир мактабда Мүмінгөй
Қоровуллик қыларди,
Бұ иш сиру асфорин
Унча—бүнчә биларди.

Пахта йиғим терими
Пайти эди ўшанда,
Мүмінгөйнинг одати
Жұда қизиқ экан-да...

Бормаса ҳам бўларди,
Борувчилар кўп эди,
Бироқ, Мүмінгөй четда
Қолиб кетмайин деди.

Ишларини амаллаб
Хотинига топширди,
Бормасам бўлмайди деб,
Баҳосини ошириди.

Жамоага қўшилиб
Кетди “Тоғли” қишлоққа,
Бұ қишлоқ яқин эди
Бироз тоғу тошлоққа.

Одами кам эди-ю
Пахтаси мўл бўларди,
Рожалари ҳар йили
Ошиб-тошиб тўларди.

Лек, қишлоқлар ораси
Анча-мұнча үзокроқ,
Шу сабабли қатнашдан,
Қолиб термоқ ўнғайроқ.

Шу қарорга келишди
Директор ҳам, раис ҳам,
Дала шийпон – ётоқ жой,
Ишлар бўлди мустаҳкам.

Мактабнинг директори
Эди Мўминга синфдош.
Иккиси қалин эди,
Ҳам ҳазилкаш, ҳам сирдош.

Ислами ҳам ҳатто
Яқин, салкам адашроқ,
Феъли, автор жиҳатдан
Ўхшамасдилар бироқ.

Мўминтой содла эди,
Одамови эди сал,
Эминтой қув, ҳазилкаш
Ва шўхликка мұжаммал.

Мўминга соддалиги
Кўп панд бериб турарди,
Баривир ҳам Эмин-ла,
Бирга дўст бўлиб юрарди.

Қайда юрса ҳам Эмин
Ҳазилликни қўймасди,
Бир-бирининг гапини
Емонликка йўймасди.

Эмин яна тутганча
Бир шумликтининг роҷасин,
Киришиб кетди қизғин
Туширмоқ бўб жўрасин.

Бир иш чиқиб қолди деб,
Йўлга тушди Эминтой,
Жўрасини кузатиб
Хайрлашди Мўминтой.

Мактабидан, уйидан
Хабар олди Эминтой,
Жўрасининг уйига
Кириб ўтди сўнг атай.

Мўминтой бир ой бурун
Мотоцикл олганди,
Эскириб қолмасин деб,
Омборга қулф солганди.

Бир гал уни Эминтой
Сўраб борса кўнмовди,
Шундан бўён Эминнинг
Ҳазили ҳеч сўнмовди.

Не бўпти ҳазил қилсам,
Жўрам-ку, ўлмас, деди,
Индамай олсан уят –
Сўрмасам бўлмас, деди.

Сўради. Жўрасининг
Хотини йўқ демади,
Қоғозни ўқиб кўргач,
Йўқ дегиси келмади.

Янги мотоциклни
Миниб олди Эминтой.
Нима дерди, билмасди,
Кўрган билан Мўминтой.

Тўппа-тўғри далага
Миниб борди атайин,
Муборак бўлсин деди,
Мўминтой танимайин.

Лек, атрофин айланиб,
Мўмин узоқ жилмади,
Меники-ку дейишга
Сира тили келмади.

Шунда Эмин Мүминга
Деди: Қандай, маъқулми?
Үхшарми сеникига,
Бойчиборми, Дулдулми?**

Қараб-қараб Мүмнитой
Деди: ранги ўхшайди.
Ҳушёр бўлиб минмасанг
Рами чўка бошлайди.

Кечадим дейсану
Мойи, чангига қара,
Ҳалитдан бу бечора
Бўлиб қопти тасқара.

Эмин деди дўстига:
-Бизга бўлаверади.
Эскирса янгисини
Худо ўзи беради.

Лекин, Мўмин, мен сендеқ
Қизғанчиқмас, хасисмас.
Мингинг келса, минавср,
Дўстлар хурсанд бўлса, бас!

Бу гап Мўминга ёқди,
Бўлди жуда миннатдор.
Ҳатто деди ўзича:
-“Бундай жўра қайдадор?!”.

Мотоциклни тиндиҳмай,
Ўн-ўн беши ҳайдашди,
Улар юриб кўрмаган
Қолмади дала, дашти.

Шундай кўнлар бирода
Мўмнитой ҳам ўйига
Кетмоқчи бўлиб қолди,
Мотоциклни дўстидан
Уч кўнга сўраб олди.

Айни пошин чогида
Мүмнитой йўлга тушди,
Наздида мотоцикл
Гўё шамолдай учди.

Мўмин шод, Мўмин хурсанд,
Мағрур борар йўл бўйи,
Бир ўйи уйда бўлса,
Жўрасида бир ўйи.

“Эмин каби менинг ҳам,
Қачон бўлар феълим кенг?
Феълимни ўзгартмасам,
Бўлолмасман унга тенг.

Қачонгача у марду
Номард бўламан ўзим?
Шуни ҳам кўролмасам,
Қаёқда ўзи кўзим?!

Изза бўлдим тозаям,
Ҳасислигим қўрсин-да...”
Қишлоқни аста-секин
Қоронгулик олганди.

Мўмин ўйи олдида
Мотоциклини ўчирди,
Уч-тўрт сигнал берди-да,
Ўзи қаттиқ апшириди.

Болалари ҳовлида
Кий-чув қилиб чопишиди,
Талашишиб, тортишиб
Дарвозага ёпишиди.
Кенжатоий югурди.

Даврвозани очгунча
Йўталиб қараб турди.
Ичкаридан “да-да”лаб

Эркатойи чиқибок,
“Миндийинг” деб, осилди.
Бир айтлангач, ҳовлини
Хуморлари босилди.

Болалари ҳар ёндан
Ҳамон қувнаб чопарди.
Сал нарида хотини
Тандирга нон ёпарди...

Солиштириб кўрай ва
Бир ёнма-ён қўяй деб,
Ўзимники яхшидир.
Бир меҳрига тўяй деб,

Омборхонаси томон
“Эминникин” судради.
Қараса тойчоги йўқ,
Бундан қаттиқ титради:

-Хотин!!!- деб бақирдию,
Аланглаб, қотиб қолди,
Минилмаган тойчоим
Айт, қаёққа йўқолди?!

Мен йўғимда уни ссан
Акангга бердингми ё?
Сўраб келса, йўқ демай
Укамга бердингми ё?

Ё бирор ўгри – пўгри
Кўлларига тушдими?
Ер ютдими, айтсанг-чи,
Ё осмонга учдими?!

Эшитиб, чүчиб түшди,
Эрининг бу додини,
Сүнг, бозор жилмайиб,
Етиб келди хотини.

Мүмин – Мүмин эмасди,
Эди ҳозир ғазабда,
Хотинига ўқрайиб,
Деди не бир азобда:

-Эринг додлаб турганда
Хотин, нега қуласан?
Кимга бердинг, ким олган,
Сен барини биласан?!

Ҳамон шаштидан түшмай
Эр турарди ўшқириб.
Шунда деди хотини:
Не қиласиз қичқириб?

Зўр бир матоҳмиди у.
Ўғрилар тушадиган?
Қуш эмаски, унингиз
Осмонга учадиган.

Бекорчи гапни қўйинг,
Тұхмат қымланг бирорга.
Соддалигингиз қурсин
Нега керак бу ғовға?

Яна лақиплатиби
Жўрахонингиз Эмин.
Сиз эса уни мақтаб
Олаверинг тарафин.

Содда бўлмай, сиз ўлинг,
Нақ шўрингиз қурибди.
Йўқолган тойчоғингиз
Қўлингизда турибди.

Шундагина Мұмінтоғы
Кулиб күйди "пик" этиб,
Хаєлида жүрасин –
Саваларды ү тутиб.

Барибир ҳам Мұмінтоғы
Туриб олди сүзіда,
Тан олгиси келмасди.
Айб бўлса-да ўзида.

Деди мўйловин бураб:
-Нега бердинг берұхсат?
Хотини дер қизига:
-Обчик, қоғозни кўрсат!

-Ўзингиз рұхсат бериб
Тағин бу қанақа дўқ?
Иккингизга ҳам энди
Бўлди, тамом, ишонч йўқ!

Мўмин қизи келтирған
Қоғозни ўқиб кўрди.
-Ҳап сеними, Эмин, - деб,
Сапчиб ўрнидан турди.

Соддадил эру хотин
Воқеа не, билишди.
Сўнг иккиси дил-дилдан
Роса яйраб кулишди.

ҲИКОЯТ

Бирор билар, бирор билмас,
Элда бор бир ҳикоят,
Тингласангиз айтиб берай,
Ибратлидир у ғоят.

Бор экан Қызылқұмда
Иккиси полвон чол ҳай-ҳай.
Иккиси ҳам норғул, түлиқ
Юзи алғон чол ҳай-ҳай.

Иккиси ҳам мәрд ва камтар,
Бир-бирига дұст экан.
Бир овулда бирға яшаб,
Күп үйлар бирға юрган.

Иккиси ҳам нима айтса.
Айтганидан қайтмаскан.
Бир-бирига бирор ёмон
Сүзни сира айтмаскан.

Бирин-бири бир күн агар,
Күрмаса туролмаскан.
Бирор маврид, маъракага
Айрыйтып боролмаскан...

Шұндай ақыл бу чолларнинг
Бошига иш тушибди.
Иккисин ҳам кампирини
Ажал қуши қучибди.

Құйиб, пишиб икки чол ҳам,
Кампирларин күмибди.
Йиілар ўтиб, иккиси ҳам
Күп хаслға чүмибди...

Сүңг иккиси ўйлаб-ўйлаб
Шұндай фикр қилибди.
"Ким ўлмайди, бу дүнёда
Үлса кампир ўлибди.

Кулмас энди эл-ү юрт ҳам,
Аза тұтдик анча йил.
Елғиз яшаш жонга тегди -
Бўлди жонлар ҳам сабил.

Энди гапнинг индалюси,
Кампир топмасак бўлмас.
Ўзимизга қолганда-қу
Уланишга йўқ ҳавас.

Бироқ ахир қарилекда
Яшаш қийин кампирсиз.
Иссиқ-совуқ деган гап бор,
Қолиб бўлмас тадбирсиз".

Икки чол ҳам шу кечаси,
Ухлай олмай чиқиши.
Эрта туриб иккиси ҳам,
Тўрт-беш чолни йигиши.

Дардларини дўстларига,
Очиқ-ойдин айтишди.
Бири у деб, бири бу деб
Келгандар ҳам қайтиши.

Яна қолди икки полвои
Икки күнгли синиқлар.
Дўстлар айтган кампирларни
Бир-бир қайта аниқлар:

- Гулнор кампир - яхши кампир,
Борсак шүнга бўлади.
Бироқ кўпда набираси,
Улар кимга қолади?

Гүдакларга жабр қилиш -
Асло мумкин эмас-ов?
- Тожи кампир, қалай экан?
Бирор ёмон демас-ов?

Иккаласи бош қотириб,
Роса кампир излашди.
Бир қарорга келишганда,
Йўлга чиқиш тезлашди.

Иккаласи кўп юришди,
Ошди неча овулдан.
Сафар чоғи чарчашмади,
Кўрқишмади довулдан.

Ва ниҳоят етишдилар,
Бева кампир уйига.
Кампир уйда мазза қилиб
Дўмбиралинг қўйига

Ўтиради кулиб, яйраб -
Радиони эшитиб.
Чоллар эса кириб келди
Гапларини пишитиб.

Қутуб олди кампир худди
Ўз чолини қутгандай.
Иккиси ҳам жуда хурсанд,
Кампир олиб кетгандай...

Йўл сўради кампир шошмай
Чой-пой бериб бўлиб сўнг.
-Садағангиз кетай, чоллар,
Ишларингиз бўлсин ўнг.

Қайдан келиб, қайга томон
Мўлжал олиб борасиз?
Олазарак кўзларингиз,
Билмам ис ахтарасиз?

Күнсангизлар мол сүйайин
Чақирай эл каттасин.
-Йүқ-йүқ, кампир, күп шошилма,
Гап бошлади биттаси.

-Биз келғанмиз совчи бўлиб,
Ўзимиздан ўзингга.
Танта, кампир, қай биримиз
Хуш кўринсак кўзингга.

Сўққабошмиз кўпдан бери
Кампир излаб юрибмиз.
Маъқул кўриб охир сени
Мана келиб турибмиз.

Қисқа гап шу, кампир энди
Биримизни танлаб ол.
Бундай гапни кутмаганди
Шундан кампир бўлди лол.

Сўнг ўзини тутиб олди
Ва ақлинни пешлади.
Иккисига баб-баравар
Шундай савол ташлади:

-Айтинглар-чи ёз шамоли
Қиша ҳам шўх еларми?
Қалайсизлар, кампир боқиши
Кўлингиздан келарми?

Кўруқ қайтманг, шоввозларим.
Олиб кетинг мени ҳам.
Колган умрим бирингиз-ла
Майти кўрайин баҳам.

Танламайман, иккингиз ҳам
Аъло чоллар экансиз.
Мени топиб кепсизларми,
Бало чоллар экансиз.

Фақат энди иккингизга,
Күяр битта шартим бор.
Шу шартимни ким бажарса,
Мен бўларман шунга ёр.

Шартим шуки, ўрнингиздан
Суянмасдан турасиз.
Турасиз-у дадил олға
Икки қадам юрасиз.

Чоллар ҳайрон, бир-бирига
Қош қоқишиб имлаши.
Чоллар кулди, кампир кулди.
Бир бирига қарашиб.

Кампир шартин бажармоқ-чун
Чоллар кураш боллашди.
Тўн, салласин иккиси ҳам
Аста ечиб ташлаши.

Енгил бўлиб энди чоллар
Турмоқ бўлиб шайланди.
Бироқ қўллар ер устида
У ён, бу ён айланди.

Агар ерга тегса қўллар
Кампир шарти бузилар.
Шарт бузилса, ўша онда
Умид қурғур узилар.

Чоллар шундоқ туарар-турмас
Гандираклаб қолиши.
Шу заҳоти иккиси ҳам
Ердан "ўпич" олиши.

Кампир дарров иккисин ҳам
Суяб, турғизиб қўйди.
Чоллар ўйлар: "Кампир қурғур,
Бизни бепичоқ сўйди".

Полвон чоллар алам билан
Овулуга қайтибди.
Яна йигиб дүстларини
Бўлган гапни айтибди.

Шундан бери икки полвон
Чол яшармиш бир уйда.
Ҳазиллашиб, ҳасратлашиб
Шу кампирнинг кўйида.

КАСИДА

*ҚҰТЛУҒ ҚАДАМ
ЁКИ
СУЮНЧИ*

Қасида

МУҚАДДИМА

Рұхсат беринг дўст, қадрдон, устозларим,
Шеър айтиб бир ҳуморимдан чиқиб олай:
Титрамаса бўлди фақат овозларим,
Дилимдаги дардларимни тўкиб солай.

Қалбим жўшиб бораётир, ҳислар гуллаб,
Бир бўшатгим келаётир юрагимни
Ва юборай түйғуларим тонгга үлаб,
Ҳис қилсан, бас, мен элимга керагимни.

Тўрт томонга ўзим урмам мавзу таңлаб,
Киндик қоним томган юртим – бош мавзумим.
Ўз-ўзимни олгандайман бироз англаб
Ва шу ҳақда бир шеър айтмоқ чин орзум!

I

Қизилқұмдир униб ўсган манзил-жойим,
Атиргули боғдан қолмас саҳро, чўлим.
Дарёларим – қудуклару булоқ, сойим.
Қизғалдоқлар, бинафшалар – тенгсиз гулим.

Қарасанғиз кўз қамашар қирлар билан,
Бир-биридан кўркам, шинам овул бунда.
Келса агар сирлашгингиз сирлар билан,
Илк ҳунарин кўрсатади довул бунда.

Асл чорва шерюраклар яшар бунда,
Буларга-чи писанд эмас қаҳратон ҳам,
Бир янгилек излашади улар кунда.
Жўшқинлигин қайтаролмас саратон ҳам.

Яратмоқлик ишқи ёнар дилларида,
Шукроналар айтар минг бор истиқболга.
Иқтисодий ислоҳотнинг йўлларида,
Интилишар етмоқ учун истиқболга.

II

Замонабоп заруратлар бўлаётир,
Ишга тушиб катта-кичик корхоналар.
Ишсиз юрган ёшлар билан тўлаётир,
Корхонага айланган бу ишхоналар.

Бирам кўркам чиқаётир жун матолар,
Ҳам сифатли, ҳамда арzon, харидорбоп.
Камчилиги бордир, бироқ, йўқ хатолар,
Сўзимизда бўлса бордир андакроқ лоғ.

Энг мұҳими одамларнинг онги ўсиб,
Маъносини кенг ёймоқда маънавият.
Энди бунда лоқайдлар ҳам ётмас пусиб,
Парвозларга чорлаётир юксак ният.

Кўраяпти: интилганга толе ёрни –
Тадбиркорлар тадбир топиб бойишмоқда.
Кўраяпти: ишбильмаснинг тўймас қорни,
Баҳоналар соясида койишмоқда.

Баҳона ва койишлардан фойда йўқдир,
Асосий гап изланишда, интилишда.
Чархланса гар ақл билан фикр шўҳдир,
Кўрсатишар истеъоддин ҳар бир ишда.

III

Түғри ҳали мұамолар күп албатта,
Әнг мұхими, ёмон әмас бошланиши.
Әнг мұхими, бу соқада режа катта,
Мумкин әмас ўлда-жүлда ташланиши.

Ривож үчүн имкон күпдир изланганга,
Қоракүли, жуни, гүшти – олий навдир.
Ҳеч вақо йүк ишдан құрқиб тисланганга,
Бундайларга ҳар мұаммо биттә төвдир.¹

Мұаммолар ечими-чүн раҳбар – раҳ-бар!.
Билған билтар буның асл мөхияттын?!
Меъморлық гап Қўриқ ерда қанча зах бор,
Иш билғанлар хор этишмас бор ниятин.

Белини түрт-беш жойдан боғлаб маҳкам.
Олис-у, яқинларга бирдай чопар.
Орияти, виждонини этиб ҳакам,
Елиб, ёниб керагини излаб топар?!

IV

Шұндайларга таҳсин ўқиб жүшгим келар,
Бирров бокинг, завқзанаңыз ўзингиз ҳам!..
Үрни келса бироз лоғ ҳам құшгим келар,
Жарангдорроқ чиқсан дея сүзимиз ҳам!..

Учтепанинг, Боймуроднинг гиламлари,
Пўстинлари ва жұнлари бирам хүшрўй...
Чирой очиб борағтири борған сари,
Үнча-бүнча номдошларга беришмас бўй!..

¹ Төвдир – төғдир.

Яңгиқазғоннинг телпаклари, пўстинлари.
Матолари, кўрпалари тенгсиз сулув!..
Тадбирки зўр, мустакамдир устунлари,
Киришмаган чўнг қатбларга солар гулу... .

Яңги-янги цехлар очиб “Саржал” да ҳам,
Ҷўпонлар-чун тикилмоқда маҳсус кийим.
Рұҳ бераркан ислоҳотий янги қадам,
Тадбиркорлик бўлмагай ҳеч энди қийин... .

V

Барча ширкат хўжаликлар изланмоқда,
Очмоқ учун янги-янги ишчи ўрни.
Бундай ишлар ҳар жиҳатдан тезланмоқда,
Ҳаёт ўзи кўрсатмоқда фикри зўрни!..

Шўркўлликлар асл фойда йўлин топди:
Ҳам озуҳа, ҳам ёғ экан қунгабоқар.
Ҳеч шубҳасиз интилганлар бахти чопди,
Иш юришса энди фойда сувдай оқар!..

Ўйланган ўй, бошланган иш бўлса нурли,
Иш бошловчи тадбиркорлар фикрин чархлар.
Мақсал битта: майли улар турли-турди.
Мол кўпайса арzonлашиб борар нархлар.

Тадбиркорни оз демант сиз, бу маконда,
Қанчалари режа тузиб шайланишар.
Тадбирларнинг зўри “Хамид Олимжон” да,
Қўшиқ айтиб тегирмони айтанишар!..

VI

Бу шундай юрт, одамлари меҳнатсевар,
Тадбиркорлик деган сўзлар қонида бор.
Келажак деб истиқболли режа тузар,
Саодатманд хислатлиги нонида бор!..

Югурмаган, елмаганга сүстидир ҳаёт,
Фикр чиқмас улардан ҳеч әзгулик бир...
Изланишда, интилишда “Оби-ҳаёт”,
Иш құлмоқда катта-кичик сезгулик бор!..

Корхонаки, қурилишда, таъмирлашда –
Боришмоқда яхшилик-ла тилга түшиб.
Ишчилари ишбилармен, меңнаткаш-да,
Элга ёқиб қолишишмоқда зафар қүчиб!..

VII

Дала-ю қир, даштпарида түплаб күчин,
Қызылқұмнинг шамоллари елаёттир.
Тадбирларни тараннум этмоқ учун,
Соз чалиб, қүшиқ айттим келәёттир!..

Күп жүшқынлик баҳш этадир савоб ишлар,
Юртга ишқим юрагимда қават-қават.
Бесамармас изланишлар, интилишлар.
Бунга мисол бунёд бўлган “Конимехобод”!..

Корхонанинг келажаги порлоқ, ойдин,
Кета олмас үндан энди бешак омад.
Буюртмалар тушаберар ҳар бир жойдан.
Туман халқи кўрар энди зўр даромад.

Барча ишлар, барча ташвиш шу юрт учун,
Ва шу элнинг баҳти учун қилинмоқда.
Кўрсатаркан ҳар соҳада тадбир күчин,
Фойдалиги ҳар қадамда билинмоқда!..

VIII

Чирой очиб бораёттир овул, қишлоқ,
Хўп соз бўлди қишлоқларнинг газлашгани.
Жавоб топди яна бунда қанча сўроқ,
Усталар шай неки бузуқ созлашгани.

Хаёт шүндай қызғын жүшиб борастир,
Фикр чиқиб кампирлар-у, чоллардан ҳам.
Үз-үзидан ҳарким ҳисоб сўраётир,
Ажаб эмас тадбир чиқса боллардан ҳам.

Сирлар сири очиладир талаб бўлса,
Орзулари ушалгайдир ихлосмандинг.
Қор ҳам ёнар қаловини қалаб билса,
Беижрочи, сариқ чақа ичган онтинг!..
Корхона бор, демак энди ижро керак,
Ижро эса куртак ёзib нишлаётир!..
Яхшиларда яхшиликни кўзлар юрак,
Ҳамма ерда, иш билганлар ишлаётир.

IX

Фаровонлик баҳш этадир бундай ишлар, -
Бўнгай ишлар булоқ каби кўз очадир.
Ҳавас бўлса зое кетмас уринишлар,
Нодир тадбир гавҳар янглиғ нур сочадир.

Энг мұхими иштиёқ зўр одамларда,
Испоҳотли янгиликлар яратмоққа.
Интилишар из қолсин деб қадамларда,
Яшаш жойин ва иш ўрнин гуллатмоққа!..

Шу орзулар, шу мақсадлар олға чорлар,
Шу мақсадда үриб турар юраклари.
Йўлки, ойдин, истиқболли нурдай порлар,
Демак сўзсиз ушаладир тилаклари...

X

Яна қанча режа, тадбир лойҳаланар,
Янгиликлар бораётир илдиз отиб.
Лойқа сувда ҳатто дур ҳам лойқаланар,
Чин тадбиркор ўтирмайди ўйга ботиб?!

Ҳали бунда сири пинҳон имкон қанча.
Қанча-қанча саноат бор дашты-қирда.
“Лавли” сида навбат қутар түзли конча.
Уни ишга түширган ҳам тадбиркор-да!..

Қанча имкон “Айдаркүл” да ва “Шүркүл” да,
Асл ўелон тадбиркорин қутар ҳамон.
Баилиқчилик ташкил топса күлда, чүлда
Нур устига нур ёғилар, бўлмас ёмон?!..

Фикрлар кўп айтилган-у, айтилмаган,
Навбат билан ҳал этилар бариси ҳам.
Йўллар ҳам кўп ҳали босиб ўтилмаган,
Бу дунё ҳам бутун эмас, бириси кам!..

Яна қанча дориворли ўсимликлар,
Ўсиб ётар Қизилқумнинг бағрин безаб.
Бўлса келиб бу соҳада билимликлар,
Дори ишлаб чиқаришса бўлади зап!..

Экологик тоза ва соф – ҳар бир нави –
Шифобахш илдизидан гулигача.
Мингта дардга – доривордир асал қаби –
Урут ва поясидан қулигача.

Ўрганилиб чиқитмаган турлари кўп,
Кўриш мумкин ўт-ўланинг минг хилини.
Баъзитари камалакранг, баъзиси чўп,
Оҳ, қанийди, била қолсак биз тилини?!

XII

Кўхна тарих номин олган жойлар қанча
“Қарақата”, “Бала-қарак”, “Янгиқазстан”,
Узоқ йиллар изланишлар қилиб анча,
Домат оға Мамиров ҳам китоб ёзган.

Бордир яна “Чордара”си, “Күмрөбод”и,
Хам “Шүркүл”и, “Омон тубек”, “Үрөзжон”и,
Сирлигича қолиб кетмас тарих ёди,
Хеч шубҳасиз топилади бир имкони.

“Конимех” – бу Конимеҳр аталмиш юрт.
Қилич ота, Мих отадан дуо олган.
Бу ўлканинг тупроқларин кўзларга сурт,
Бунда қанча улуғларнинг изи қолган!..

XOTIMA

Иқтисодий ислоҳотлар қалбни тортди,
Ва қилинган ишлар берди дилта илҳом.
Чин фидойи инсонларга меҳрим ортди,
Улар чиндан кўп дилларга бўлган малҳам!..

Бешак улар янги-янги рожа тузар,
Келтиришар инвестиirlар хориждан ҳам.
Ислоҳотлар денгизизда шердай сузар,
Бунга ишонч берәтирир қутлуғ қадам!..

Мен шу юртнинг, шу элатнинг боласиман,
Ва шерикман ташвишига, қувончига!..
Бори-йўғи битта сочнинг толасиман,
Барибир ҳам даҳлорман суюнчига!..

Суюнгандан суюнчига шеър атадим,
Қўл урарман пайти келиб достонига.
Йўқдир асло эл дардидан бошқа дардим,
Нима стсин шу юртимнинг бўстонига!!!

УМР

Бу фоний дунёда инсоннинг умри
Сархисоб этганда, ҳеч нима эмас...
Тирикликда кимки, эзгу иш қилса,
Мангу яшамоққа топади асос.

Капалак умрига ўтгувчи дамни
Қиёс айлаганди Гафур ал Гулом.
Лаҳзалар қадрининг эъзози улуг,
Ахир, лаҳзалардан яратган олам.

Дунёнинг кўп сирин тушундик, аммо
Ечилмаган сирлар яна ҳам кўпроқ.
Қанча мўъжизани пинҳона сақлар
Бағрига яшириб шу оддий тупроқ,

Хаёл дарёсида сузиб ҳар саҳар
Фикр оламига топаман имкон.
Тилсимотлар бағри буюк бир сарой -
Тафаккур илмидан юксалган макон...

Дунёни ҳайратга бўркамоқ учун
Бизга Берунийлар, Синонлар керак.
Яратиш ишқида ёнади бешак
Илмга тўлишган ижодкор юрак.

Ҳабиб Абдуллалар яшаган юрт бу,
Бу юртнинг оқиту, донолари кўп.
Узутвор фикрлар олмоқчи бўлсанг,
Ўтмишинингни ўрган, ту прогингни ўп.

Азиз аждодларнинг руҳи қўллагай.
Қутлуг излар бўлса эл учун савоб.
Кўзларга тўтиё Қуръони карим,
Нон ила Қуръонни айланг минг тавоб.

Ойдин йўл бошида түрибсиз, ўйлаб.
Шошиб қолмай дея чорраҳаларда.
Ижод ва яратиш, кураш ила баҳт
Сизларга мұнтазир кент воҳаларда.

Ватанга бир тиргак бўлмасанг, айт-чи,
Яшашнинг қизиқи бўларми экан?..
Инсонман дейишга ҳаққинг ҳам йўқдир,
Юртнинг юмушига тутмасанг елканг.

Истиқтолин олган юртим эртасин,
Сиз, ёшлар, гуллатиб, шонга буркайсиз.
Азизлар, кам бўлманг, Ватан-чун яшаб,
Халқучун хизматда дадил тургайсиз...

Ватанинг шарафи, эл-юрт дуоси,
Сизларга аталган фатвоси шулдир.
Уларни бажармоқ фарзандлик бурчинг,
Бурч эса осонмас, гоҳо мушкулдир...

Бу фоний дунёда инсоннинг умри
Сарҳисоб этганда, ҳеч нима эмас.
Тириклика кимки, эзгу иш қиласа,
Мангу яшамоққа топади асос...

МУНДАРИЖА

Икром Отамурод "Йиллар ўтиб интизорли..."	3
Нурли-нурли жилоланыр ҳур фикр	5
Ўзбекистон - меҳри юрт	6
Чин дўстлик	8
Кутишлар ҳақида	10
Ўкинч	11
Ёз кечаси	12
Иштиёқ	13
Айрилиқ азоблари	14
Илинж	15
Кўпиклар	16
Булбулjon	17
Қувонч ва армон	18
Сени соғиниб	20
Севгилимга	21
Асл қадр меҳр ила мұруватда	22
Буюк севги	23
Чавандозлик	24
Тилак	26
Ризолигин юратимдан сўрадингми?	27
Хонатлас	28
Аёлни де, уни қаттиқ сев!	30
Ўхшашлик	31
"МЕҲР" КИТОБИДАН	33
Дунё ва инсон	34
Шунча гўзал	35
Хаёл	36
Мұҳаббатнинг меҳр тўла	37
Умр фасллари	38
Ота тилаги	39
Илтижо	40
Ёмонлик кўп	41
Кизилқум баҳори	42

Мехр	44
Онамга	46
Фатсафа	48
Мажнү итол шовуллайди	49
Ҳеч ҳоримас сабот бер менга	50
Изланувчан практикант	51
Бир гап бўлар	53
Нечук ўига толдингиз, бобо?	54
 “ХОСИЯТЛИ КУН” китобидан	55
Бахт	56
Сўра деса	57
Хосиятли кун	58
Бирорвлар бор	59
Ҳаёт	59
Синглимга	60
Тўртликлар	61
Висол	63
Қўймасш	64
Дил тасвири	65
Қора сочлар	66
Сабоқ	67
Қайдан ҳам учратдим?	68
Гўзал қиз	69
Кўнгил кўчалари	70
Манзара	71
Қишида	72
“Алифбо”га	73
“Матсматика”га	73
“Уқишик китоби”га	74
Ўқитувчи опамга	74
Узумлар	75
Хангома	76
 “ДИЙДОР” китобидан	78
Ифтихор туйтуси	79
Мардлар юртнинг тузин оқлайди	80
Она тилим	81

Эъзозлайман тинчликни	82
Сизга таъзим, Алломиш	83
Мұхаббат	84
Юрагимда борин айтдым	85
Ҳой сұлұв қыз, лаблари бол қыз!	86
Құдратларнинг құдрати бор чин севгіда	87
Яхши бұлар	88
Орзулары осмон бола	90
Не учун яшайди дүнёда инсон?	91
Умрлар бўладики	92
Насиҳат	93
Орзули дүнё	94
Кексалар	95
Навоий гулшани	96
Тафаккүр зиёси	98
Конимехим	100
 ДОСТОНЛАР	102
Полвон. Достон	103
Комимехр. Ривоят достон	126
 ҲИКОЯТЛАР	141
Даврон бобо ҳикоятлари	142
Ғалати шумлик	161
Ҳикоят	169
 ҚАСИДА	175
Қутлуғ қадам ёки суюнчи	176
Умр	184